Адл ила олам юзин обод қил

# Куч-адолатда

2021 йил
30 апрел,
жума
№ 16-17 (842)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси • http://www.sud.uz • 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ХХР ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

*29 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.*

Суҳбат аввалида давлат раҳбарлари бўлажак муҳим саналар муносабати билан бир-бирини самимий табриклаб, эзгу тилаклар билдирдилар. Жорий йилда ХХР-да Хитой Коммунистик партияси ташкил топганининг 100 йиллиги, мамлакатимизда эса Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги кенг нишонламоқда. Етакчилар дўст халқларимизга тинчлик, фаровонлик ва равнақ тиладилар.

Мулоқотда икки томонлама ва халқаро кун тартибининг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон — Хитой дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларида юксак даражага эришилгани, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

ХХР Раиси Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини юксалтиришга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва янгиланишларни юқори баҳолади ва уларни қўллаб-қувватлашини билдирди. Камбағалликка қарши курашиш бўйича Хитойда тўпланган катта тажрибани чуқур ўрганиш масаласида яқиндан ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олинди.

Давлатимиз раҳбари коронавирус пандемиясига қарши курашда кўрсатилган амалий ёрдам учун ХХР етакчисига самимий миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон ва Хитойнинг ваколатли идора ва ташкилотлари соғлиқни сақлаш соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаб, аҳолини оммавий эмлаш бўйича биргаликдаги самарали ишларни кенгайтирадилар.

Ўзбекистон Президенти "Ягона Хитой" сиёсатини ҳамда "уч ёвуз куч" — терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашиш борасидаги саъй-ҳаракатларни доимо қўллаб-қувватлашини яна бир бор таъкидлади.

"Бир макон, бир йўл" ташаббуси доирасидаги самарали мулоқот, шу жумладан, минтақада муҳим инфратузилмавий лойиҳаларни, улар қаторида "ХХР — Қирғизистон — Ўзбекистон" автомобиль ва темир йўлларини қуриш лойиҳасини илгари суриш ишлари давом этаётгани қайд этилди.

(Давоми 2-бетда) ▶

## АЗАЛИЙ ҚАРДОШЛИК ВА ЕЛКАДОШЛИК ИФОДАСИ

***29 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан Туркманистонда бўлди.***

Ашхобод халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари — ташқи ишлар вазири Рашид Мередов кутиб олди.

Ашхобод шаҳрида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Туркманистон етакчисига отаси Маликгули Бердимуҳамедовнинг вафоти муносабати билан Ўзбекистон халқи ва шахсан ўз номидан яна бир бор чуқур ҳамдардлик билдирди.

Маликгули Бердимуҳамедов туркман халқининг содиқ фарзанди ва ҳақиқий ватанпарвар бўлгани, ўз юртининг равнақига улкан ҳисса қўшгани таъкидланди.

Туркманистон Президенти ҳамдардлик учун ташаккур изҳор этиб, биродар ўзбек халқи ва унинг етакчиси ушбу мусибатли дамларда далда бўлаётганини юксак баҳолаши ва қадрлашини алоҳида қайд этди.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Туркманистон Президентлари икки томонлама ва минтақавий кун тартибининг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон етакчиси Гурбангули Бердимуҳамедовни Туркманистон Миллий Кенгашининг Халқ Маслаҳати раиси этиб сайланганини билан табриклади, бу мамлакат тараққиёти йўлида амалга оширилаётган сиёсат Туркманистон халқи томонидан қатъий қўллаб-қувватланаётганининг ёрқин далили эканини таъкидлади.

Пандемия билан боғлиқ мураккаб даврда Ўзбекистон — Туркманистон муносабатлари ижобий суръат билан ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли кейинги йилларда товар айирбошлаш ҳажми уч баробардан зиёдга кўпайди ва ўтган йил якунларига кўра 530 миллион долларга етди, 150 дан ортиқ қўшма корхона ташкил этилди.

Шу билан бир қаторда савдо, инвестициялар, саноат кооперацияси бўйича, энг аввало транспорт, энергетика, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларида мавжуд салоҳиятни янада тўлиқ ишга солиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Халқаро транспорт ва транзит йўлагини яратиш тўғрисидаги Ашхобод битимини бундан буён ҳам биргаликда илгари суриш, шунингдек, Хитой — Марказий Осиё — Жанубий Кавказ — Туркия мультимодал маршрутининг самарали ишлатилишини таъминлаш ва транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги ҳамкорликни давом эттиришга томонлар тайёр экани таъкидланди.

Музокараларда халқларимиз яқинлигининг энг муҳим омили сифатида маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш долзарб экани яна бир бор қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Туркманистон раҳбарига унинг халқларимиз ўртасидаги биродарлик муносабатларининг навбатдаги ёрқин рамзи сифатида Ашхобод шаҳрида "Тошкент" боғини ташкил этиш ташаббуси учун алоҳида миннатдорлик билдирди.

Ҳамкорликни кенгайтириш ва янги ўсиш нуқталарини излаш мақсадида яқин вақтда Тошкент шаҳрида Савдо-иқтисодий, илмий-техник ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркманистон ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги йиғилишини ўтказишга қарор қилинди.

Учрашув якунида Ўзбекистон ва Туркманистон етакчилари икки мамлакат халқларининг кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини янада мустаҳкамлаш йўлида ўзаро ишонч ва ҳурмат тамойиллари асосидаги стратегик шериклик муносабатларини изчил мустаҳкамлашда қатъий эканликларини тасдиқладилар.

(Давоми 2-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг

**ҚАРОРИ**

2021 йил 20 апрел — № 13 — Тошкент шаҳри

## Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида

***Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиришлар киритилганлиги, суд амалиётида масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан ҳамда қонун нормаларини бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 17-моддасига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми***

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, жиноят ишларини апелляция тартибида қайта кўриб чиқиш суд процесси иштирокчиларининг қонуний кучга кирмаган суд қарорлари устидан шикоят беришга бўлган ҳуқуқини кафолатловчи муҳим ҳуқуқий институт ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (бундан буён матнда ЖПК деб юритилади) $497^{2}$-моддасига мувофиқ, апелляция тартибида иш юритиш маҳкум, оқланган шахс, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, жабрланувчи, унинг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, улар вакилларининг шикояти, шунингдек, прокурор ва унинг ўринбосари протести бўйича қўзғатилади.

(Давоми 3-бетда) ▶

*Жамиятимиз мақсади*

## Суд-ҳуқуқ тизими: ислоҳотларнинг янги босқичи



**Жорий йилнинг 23 апрель куни "Tashkent Law Spring" II Халқаро юридик форумининг "Рақамли даврда суд ҳокимиятининг мустақиллиги, адолатлилиги ва холислигини таъминлаш" мавзуидаги мунозара сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти хусусида форум иштирокчиларига батафсил маълумот берилди.**

(Давоми 5-бетда) ▶

***Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХҲТ ДИИҲБ) директори Маттео Мекаччи бошчилигидаги делегация 29 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев билан учрашди.***

*Хабар*

## ЕХҲТ делегациясининг учрашувлари

Учрашувда сўнгги йилларда икки томонлама муносабатлар ва ўзаро мулоқот янги сифат даражасига кўтарилгани қайд этилди. Меҳмонларга халқаро стандартлар ва энг замонавий хориж тажрибаси асосида Ўзбекистонда сайлов тўғрисидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида ахборот берилди.

М.Мекаччи Ўзбекистондаги демократик ислоҳотларга юқори баҳо бериб, ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришга тайёрлигини маълум қилди.

У жорий йил октябрь ойида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнида ЕХҲТ ДИИҲБ ўзаро ҳамкорлик қилишга тайёр эканини билдирди.

М.Мекаччи сайлов жараёни демократик принциплар ва стандартларга мувофиқ ўтиши учун Ўзбекистонда сайлов тизимини янада такомиллаштириш масалаларига берилаётган эътиборни юқори баҳолади.

Суҳбат чоғида томонлар ўзаро муносабатларни янада чуқурлаштиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашди.

— Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат барпо этиш, демократия институтларини такомиллаштириш, жумладан, сайловларни ўтказиш бўйича ҳуқуқий пойдеворни янада мустаҳкамлаш борасида жиддий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — деди Содиқ Сафоев. — Бу жараёнда халқаро мулоқот ва ҳамкорлик муҳим роль ўйнайди. ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг мамлакатимизда сайлов тизимини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси шу жиҳатдан аҳамиятлидир.

(Давоми 5-бетда) ▶

*Хотира — муқаддас!*

## Эҳтиром, эътироф ва огоҳлик рамзи

*9 май куни пойтахтимизда Ғалаба боғи очилганига 1 йил тўлади*

***Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 23 октябрда қабул қилинган "Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, мамлакатимиз пойтахтида янги тарихий маълумотлар ва ҳар жиҳатдан пухта ишланган лойиҳалар асосида "Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуаси бунёд этилганига бир йил тўлмоқда.***







Давлатимиз раҳбари 2020 йил 9 май — Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан Ғалаба боғининг тантанали очилиш маросимида таъкидлаганидек, бу бетакрор мажмуа қаҳрамон халқимизга муносиб бўлиб, ҳам меъморий жиҳатдан, ҳам тарихий-маънавий жиҳатдан ғоят ноёб ва маҳобатли обида бўлиб қад ростлади.

**"Ғалаба боғи" ёдгорлик мажмуаси** — Президентимиз ташаббуси ва ғояси асосида бунёд этилган муҳташам боғ айнан шундай номлангани бежиз эмас. Бинобарин, мажмуа **"Матонат мадҳияси", "Мангу жасорат", "Кўз ёши"** монументлари ҳамда **"Шон-шараф"** давлат музейи каби муҳим ёдгорлик объектларини ўзида қамраган.

(Давоми 2-бетда) ▶

**Мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш, фидокорона хизматлари билан муваффақиятларга эришаётган ходимларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ҳар бир соҳада юксак натижаларни қўлга киритиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, турмуш ободлиги ва фаровонлигини янада юксалтиришнинг асосий омилларидан биридир.**

*Фаолият таҳлили*

## Панд берган қонунбузарлик




Меҳнат ҳуқуқи соҳасида Меҳнат кодекси, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида", "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонунлар муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда. Бу қонун ҳужжатларида иш берувчи ва ходим ўртасида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар, жумладан, меҳнатга оид низоларни ҳал этишга доир меъёрлар ҳам белгиланган.

(Давоми 5-бетда) ▶

**Урганч шаҳрида яшовчи Анвар Муродов (исм-шарифлар ўзгартирилган)нинг тирикчилиги савдо-сотиқдан. 2014 йил "Урганч буюм савдо комплекси" масъулияти чекланган жамияти билан шартнома тузиб, унга қарашли бозор ҳудудидан 25 миллион сўм эвазига саҳни 60,2 квадрат метрга тенг дўкон биносини сотиб олади.**

*Қонун ҳимоясида*

## Барҳам топган сунъий тўсиқлар

*уларнинг судда қонуний ечими топилди*

Бироқ 2016 йилга келиб, бозор бузиладиган бино ва иншоотлар рўйхатига тушди. Бошқалар каби Анвар ҳам тирикчилик манбаидан айрилди. Аммо буниси ҳали ҳолва бўлиб чиқди. Урганч туман ҳокимлиги бу борадаги қонунчилик ва "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш ҳамда ер участкаларини олиб қўйиш ва компенсация бериш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора тадбирлари тўғрисида"ги Ҳукумат қарори талабларини бажармади. Бузилган дўкон учун унинг ҳудудига баравар бўлган ер майдонини тадбиркорга ажратиб бермади, компенсация тўланмади. Шу юзасидан қўйилган талабнинг бир қисми судда ҳал бўлди. Маъмурий суд туман ҳокими зиммасига дўкондорнинг тасаррувига тегишли ер майдонини ажратиб бериш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш ва ҳал этиш мажбуриятини юклади. Товон тўловига оид талаб эса, фуқаролик суди ваколатига тегишлиги муносабати билан очиқ қолдирилди.



(Давоми 4-бетда) ▶

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ХХР ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

◄ **(Бошланиши 1-бетда)**

Ўзбекистоннинг Марказий ва Жанубий Осиё ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш бўйича таклифи қўллаб-қувватланди.

Етакчилар савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Мураккаб шароитларга қарамасдан, пандемиянинг салбий оқибатларини камайтириш ва жорий йил бошидан ўзаро савдонинг 33 фоизга ўсишини таъминлашга эришилгани таъкидланди. Муҳим қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш давом этмоқда. Мамлакатларимиз яқин йилларда товар айирбошлаш ҳажмини 10 миллиард долларга етказиш, шунингдек, экспорт ва импорт кўрсаткичларининг мутаносиблигини таъминлаш сари муваффақиятли ҳаракат қилмоқдалар. Ўзбекистон Шанхай шаҳрида ўтадиган навбатдаги Импорт маҳсулотлари Хитой халқаро кўргазмасида фаол иштирок этади.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Хитой етакчи корхоналарининг турли тармоқлардаги кооперациясини кучайтириш, шунингдек, иқтисодиётнинг юқори технологик тармоқларидаги лойиҳаларни илгари суришда ўзаро кўмаклашиш зарурлигини қайд этдилар. Кенг кўламли савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик бўйича ўрта муддатли қўшма дастурни тайёрлаш ва қабул қилиш юзасидан келишувга эришилди.

Мамлакатимиз етакчи банк-молия институтларининг Хитой Давлат тараққиёт банки ва Эксимбанки, Ипак йўли фонди билан ҳамда халқаро молиявий ташкилотлар доирасидаги шериклигининг бугунги даражаси юксак баҳоланди.

Етакчилар Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро қўмитаси фаолиятини кучайтириш ва яқин фурсатда унинг навбатдаги мажлисини ўтказиш топшириғини бердилар.

Парламентлараро алоқаларни давом эттириш, икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги фаол алмашинувларни қайта тиклаш, маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик дастурларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Суҳбат чоғида халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик масалалар, шу жумладан, "Хитой — Марказий Осиё" форматидаги ҳамкорлик юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги кўп томонлама муносабатлар ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш, мамлакатимизда ушбу ташкилотнинг саммитини ўтказиш масалалари муҳокама қилинди. ШҲТ Мулоқот гуруҳининг Афғонистондаги тинчлик жараёнига кўмаклашиш ва ушбу мамлакатни иқтисодий тиклашдаги муҳим ўрни қайд этилди.

Етакчилар бўлажак олий даражадаги тадбирлар режасини кўриб чиқдилар ҳамда режадаги ХХР Раисининг Ўзбекистон Республикасига ташрифига кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантириш, кўп асрлик мустаҳкам дўстлик ришталари ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим тарихий аҳамият касб этадиган воқеа сифатида пухта тайёргарлик кўриш муҳим эканини қайд этдилар.

Ўзбекистон Президенти ва ХХР Раисининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек, очиқ, дўстона ва ўзаро ишонч руҳида ўтди.

**ЎзА**

# АЗАЛИЙ ҚАРДОШЛИК ВА ЕЛКАДОШЛИК ИФОДАСИ

◄ **(Бошланиши 1-бетда)**

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов "Туркманбоши руҳи" мажмуасига ташриф буюрди.

Туркманистоннинг биринчи Президенти Сапармурат Ниёзов мақбараси зиёрат этилди.

Ўтганлар ҳақига Қуръон суралари тиловат қилинди.

Мажмуа яқинида Туркманистон Президентининг отаси Маликгули Бердимуҳамедов хотирасига бағишлаб ифтор дастурхони ёзилди. Тадбирда икки мамлакат муфтийлари, уламолар, ёшуллилар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида Маликгули отанинг вафоти муносабати билан халқимиз номидан чуқур таъзия билдирди. Марҳумнинг ибратли ҳаёти, самарали фаолияти, савобли ишлари ёдга олинди.

— Ўзбек ва туркман халқлари қадимдан бир-бирига елкадош бўлиб, дўст ва биродар бўлиб яшаб келмоқда. Буюк мутафаккир Махтумқулининг: Фироғийнинг икки кўзи бор, Бири туркман бўлса, бири ўзбегим, деган ўлмас сатрлари ҳам буни тасдиқлайди. Бугунги хотира маросими ҳам ана шу азалий қардошлик ва биродарлигимизнинг яна бир амалий намоёнидир, — деди Шавкат Мирзиёев.

Рўзадорлар Аллоҳ таолодан дунёга тинчлик, саломатлик, халқларимизнинг дўстлиги ва қардошлиги мустаҳкам бўлишини тилаб дуолар қилди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг амалий ташрифи якунланди. Давлатимиз раҳбарини Ашхобод халқаро аэропортида Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов кузатиб қўйди.

**ЎзА**

◄ **(Бошланиши 1-бетда)**

Хусусан, мажмуа ёдгорликлари таркибидаги **"Кўз ёши" монументи тубсиз гирдоб шаклида ишланган.** Бунда даҳшатли уруш қанчадан-қанча инсонларни — миллати, дини ва жинсидан қатъи назар — абадулабад ўз домига тортиб кетгани тасвирланган.

Турли динларга мансуб инсонлар хотирасига ўрнатилган қабртошлар урушда ҳалок бўлган ва йўқсизлик сари йўл олган саф-саф аскарларга ўхшайди. Гирдобнинг ҳар бир қатида 1941-1945 йилларда ҳалок бўлган жангчиларнинг сони йилма-йил алоҳида қайд этилган.

Энг олдинги қатламда урушгача яшаган ва уруш даврини кўрган инсонларнинг табассумли чеҳралари акс этган фотосуратлар жойлаштирилган. Уларнинг беғубор нигоҳларидан бир дунё орзу-ҳаваси ва ҳаётга бўлган чексиз муҳаббатини шундоққина уқиб олиш мумкин. Ёдгорлик остонасидаги сув сатҳи эса қайғу ва андуҳ кўз ёшларидан ҳосил бўлган кўлни англатади.

**"Кўз ёши" мажмуаси — давлатимиз раҳбари ташаббусининг меъморий-фалсафий жиҳатдан нодир ечимига эга бўлган ажойиб намунасидир.** Эътибор қилсангиз, у инсоннинг кўзи шаклида яратилганини кўрасиз. Улкан кўз гавҳаридаги юзлаб қабртошлар турли миллат ва динга мансуб кишиларга ўрнатилган.

Бу ҳам урушнинг дин, миллат танламаслигини, ҳар қандай ёвуз ғояларга бутун инсоният бир мушт бўлиб, бирлашиб, курашиши зарурлигини уқтириб турибди. Мазкур ғоявий-бадиий мажмуада урушнинг нечоғлик мудҳишлиги, миллати ва динидан қатъи назар, барча одамларнинг тенглиги ва ўзаро ҳамдардлиги ўз ифодасини топган.

"Кўз ёши" мажмуасининг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англаш жуда муҳим. Бунинг учун давлатимиз раҳбари ғоялари асосида Ғалаба боғи фалсафасига сингдирилган **12 ҳалқали туйғулар силсиласини бирма-бир талқин қилиш кифоядир.**

**Биринчи ҳалқа — ЗИЁРАТ ТАРАДДУДИ.** Ҳар қандай ташрифу зиёрат, энг аввало, остонадан бошланади. Остона ҳатлаб ташқарига чиқиш инсонга қанчалик мажбурият юкласа, остона ҳатлаб ичкарига киришнинг ҳам шунчалик масъулияти, таъбир жоиз бўлса, ўзига яраша талаблари бор.

Ғалаба боғига ташриф буюрадиган ҳар бир инсон муайян даражада тараддуд кўрган бўлиши, яъни ҳам жисман, ҳам қалбан, ҳам руҳан покланиб олиши тақозо этилади.

**Иккинчи ҳалқа — ВАТАН ТУЙҒУСИ.** Ғалаба боғи зиёратчилари Марказий хиёбонга қадам қўйиши билан жанггоҳларда қаҳрамонлик кўрсатиб, фронт ортида машаққатли меҳнат қилган жасоратли ва матонатли, бағрикенг ва оқибатли ўзбек халқининг азиз бир гўшасида — мўъжаз Ўзбекистон бағрида эканини теран ҳис этади.

**Учинчи ҳалқа — УРУШ ДАҲШАТИ.** Марказий хиёбоннинг ўнг ва сўл тарафларида ўрнатилган бадиий барельефларда, яъни деворга ишланган бўртма нақшларда Иккинчи жаҳон урушининг бутун даҳшати ва фожеалари ҳаққоний очиб берилган.

Фашизмнинг инсониятга нисбатан ёвуз жиноятлари ва мисли кўрилмаган шафқатсизликлари ҳар қандай инсоннинг қалбини ўртаб, нафрату ғазабини янада оширади. Барчамизни ҳушёр ва огоҳ бўлишга, тинчлик учун курашиш ва осойишта ҳаётнинг қадрига етишга, она-Ватанни кўз қорачиғидай асраб-авайлашга ундайди.

**Тўртинчи ҳалқа — ДАХЛДОРЛИК.** Ўзбек халқи қарийб 2 миллион нафар фарзандини жанггоҳларга йўллаб, уруш қандай натижа билан якун топишини бефарқ ва бепарво кузатиб туролмасди.



*Хотира — муқаддас!*

# Эҳтиром, эътироф ва огоҳлик рамзи

## *9 май куни пойтахтимизда Ғалаба боғи очилганига 1 йил тўлади*





Ғалаба боғидаги махсус композицияларда халқимизнинг фронт ортидаги машаққатли ва заҳматли меҳнати ҳамда метин иродаси, сўнмас қадри, юксак бағрикенглиги ва инсонпарварлиги орқали оламшумул ғалабага қўшган улкан ҳиссаси очиб берилган.

**Бешинчи ҳалқа — МОТАМ ва АНДУҲ.** Бу ҳазин нолали туйғулар бевосита "Кўз ёши" мажмуасининг туб моҳиятини белгилайди. Бу ажиб мажмуадан жой олган монумент ва композициялар Иккинчи жаҳон уруши даврида мардларча ҳалок бўлган, жанггоҳлардан уйига ногирон ҳолда қайтган, душман концлагерларида азобланган ватандошларимизнинг изтироб ва мусибатларидан сўзлайди, гўё.

"Кўз ёши" мажмуаси фарзандидан жудо бўлган қанчадан-қанча муштипар ва хокисор оналар, ишонган тоғи, суянган бекидан айрилиб бева қолган навниҳол бекалар, орият ва ғурур ҳимоячилари бўлмиш оталари, ака-укаларидан бевақт маҳрум бўлган мушфиқ опа-сингиллар ва бевақт етим қолган фарзандларнинг мотамзада, андуҳли ва мунгли кўз ёшларини ўзида мужассам этгандек.

**Олтинчи ҳалқа — ШОД-ХУРРАМЛИК.** Халқимизнинг "Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ" деган мақоли уруш йилларида, айниқса, долзарблик касб этди. Фашизмга қарши



курашган бошқа халқлар қатори ўзбек халқи ҳам узоқ кутилган шонли Ғалаба нашидасига ниҳоят етишди.

Ғалаба шукуҳи ҳар бир инсон ва ҳар бир хонадонга севинч улашди. Ғалаба қувончи юртимиздаги барча шаҳар ва қишлоқларда шоду хуррамлик тантаналарини бошлаб берди. Бу шодиёналар эндиликда янги босқичда намоён бўлиб, янада юксак пардаларда тараннум этилмоқда.

**Еттинчи ҳалқа — ШУКРОНАЛИК ОДОБИ.** Яхшиликлар ва бунёдкорликларнинг бардавом бўлиши шукроналигимизга боғлиқдир. Неъматларнинг зиёда бўлишини хоҳлаган киши унинг шукрини адо этиши кераклиги муқаддас Қуръони каримда қуйидагича изоҳланади: **"Қасамки, агар (берган неъматларимга) шукр қилсангиз, албатта, (уларни янада) зиёда қилурман. Борди-ю ношукрчилик қилсангиз, албатта, азобим (ҳам) жуда қаттиқдир"** ***("Иброҳим" сураси, 7-оят).***

Урушдан кейинги йилларда халқимиз белини янада маҳкам боғлаб, шукроналик туйғусини қалби ва руҳига жойлаб ёруғ истиқболни, яхши кунларни бунёд этишга киришди. Ғалаба боғидаги навқирон авлодларимиз учун мўлжалланган турли интеллектуал майдончалар ва замонавий ўйингоҳлар тинчлик ҳамда мустақиллик замонида юртдошларимизга хос шукроналик ва миннатдорлик туйғуларининг ёрқин тимсолларига ўхшайди.

**Саккизинчи ҳалқа — ШОН-ШАРАФ.** Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида кўрсатган беқиёс қаҳрамонликларини ҳар қанча шарафласак, ардоқласак ҳам оздир. Халқимизнинг фронт ортидаги сермашаққат, аммо ҳалол ва шонли меҳнати таҳсину олқишларга муносибдир. Халқимизнинг душман истило этган ҳудудлардан юртимизга эвакуация қилинган турли миллат вакиллари ва норасида болаларга меҳрибонлик ва ҳамдардлик, шафқат ва мурувват кўрсатгани том маънода шон-шараф тимсолидир.

**Тўққизинчи ҳалқа — ФАХР-ИФТИХОР.** Ёвузлик устидан эзгуликнинг албатта ғалаба қилиши абадият қонунидир. Шу маънода, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган тарихий ғалабада миллатдошларимиз, ўзбек фарзандлари кўрсатган тенгсиз жасорат, қонли жанггоҳларда она Ватан учун жон олиб, жон берган ўғлонларимизнинг шонли юришлари, шубҳасиз, бугун ҳар биримизнинг кўксимизни фахр-ифтихорга тўлдиради. Бу туйғу бизга тинчлик учун курашмоқ кераклигини англатиб, шунга даъват этиб туради.

**Ўнинчи ҳалқа — ҒАЛАБА СУРУРИ.** Ўз даврида буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратлари жангларда эришган ғалабалари сururини халқ билан баҳам кўрган. Яъни ҳар бир зафарли юришдан кейин тўй-тантаналар қилинган, элга ош берилган, тўкин зиёфатлар уюштирилган, қаҳрамонлар муносиб тақдирланган, айбдорлар эса, гуноҳининг юкига қараб афв этилган.

Шу нуқтаи назардан, Ғалаба боғида 700 нафар кишига мўлжаллаб маҳобатли амфитеатр қурилгани ҳар томонлама мақсадга мувофиқдир. Бу ерда эндиликда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Ғалаба куни, 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни байрамлари нишонланади. Иккинчи жаҳон урушига оид турли учрашувлар, маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказилади. Амфитеатрда олий ҳарбий таълим муассасалари курсантларининг қасамёд қабул қилиш маросимлари ва бошқа маданий тадбирларни ўтказиш учун ҳам барча шароитлар муҳайё этилган.

**Ўн биринчи ҳалқа — КУЧ-ҚУДРАТ.** Ғалаба нафақат унга бўлган қатъий хоҳиш-ирода, балки мустаҳкам куч-қудратнинг ҳам ҳосилидир. Ғалаба боғидаги майдончалардан ўрин олган артиллерия, зенит қурилмалари уруш жараёнида туб бурилиш ясалишида алоҳида ўрин тутган.

Ўз даврида афсонавий "Катюша"лар, енгилмас "Т-34" танклари, "Як-2", "Як-8", "Ил-2", "ЛА-5", "И-16" қирувчи ва "Пе-2", "Ту-2" бомбардимончи самолётлари душманни зир титратган, ёвга ваҳшат солган. Бу техникалар ва Тошкентда ишлаб чиқарилган "ЛИ-2" транспорт самолёти, турли автотранспорт воситаларининг асл нусхаларини томоша қилиб, Ғалаба боғи зиёратчилари ота-боболаримиз жанг қилган даврнинг ҳарбий техникаси ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлишлари тайин.

**Ўн иккинчи ҳалқа — АЗМУ ШИЖОАТ.** Урушда ғалабани фақат жанг майдонларидаги жасорат билангина таъминлаб бўлмайди, бунинг учун фронт ортидаги чексиз матонат ҳам талаб этилади. Халқимизнинг уруш давридаги матонатли меҳнати Ғалаба боғида Ўзбекистон темир йўлчиларининг азму шижоати мисолида, айниқса, яққол ифодалаб берилган.

Пўлат излар орқали уруш ҳудудларидан қанчадан-қанча аҳоли, саноат корхоналари, ярадор аскарлар мамлакат ичкарисига ташиб келинган. Ўз навбатида, мамлакатдан фронтга жанговар техника, ўқ-дори ва озиқ-овқатлар етказиб берилган.

Бундан ташқари темир йўл ва саноат корхоналари қурилиши билан боғлиқ ишларга 150 минг нафар юртдошимиз ялпи сафарбар этилган. Уларнинг 15 минг 131 нафари Свердловск, 7 минг 427 нафари Челябинск, 2 минг 212 нафари Пермь, 2 минг 523 нафари Оренбург, 2 минг 357 нафари Бошқирдистон ва 2 минг 980 нафари Удмуртистонда меҳнат қилган.

1943-44 йилларда душмандан озод қилинган ерларга 13 минг нафардан зиёд ўзбек темир йўл мутахассислари юборилган. Юртимиздаги касб-ҳунар билим юртларидан юборилган ёш мутахассислар сони эса 15 минг нафардан ортиқдир.

Шу мавзуга боғлиқ яна иккита рақам: биринчидан, уруш йиллари Ўзбекистонда 15 та электр станцияси қурилган; иккинчидан, 1945 йилга келиб юртимизда қазиб олинган кўмир миқдори 105 минг тоннадан зиёдни ташкил этган.

Бу далилларнинг барчаси уруш даврида халқимиз фронт ортида ҳам беқиёс фидойилик намуналарини кўрсатганини рўй-рост тасдиқлайди.

Шундай қилиб, **"Кўз ёши" мажмуасининг ғояси жуда теран ва фалсафий қамрови ниҳоятда кенгдир. Бу ғоя ва фалсафага асос қилиб олинган кўз ёши — халқимизга хос кўнгли юмшоқлик, меҳрибонлик, дардкашлик, мусаффолик ва поклик белгиси. Зеро, ўрни келганда йиғлай олиш бандага берилган илоҳий неъматдир.**

Кўз ёши банданинг Парвардигор раҳматига бўлган умидворлик ҳисси, ихлос ва ёлворишнинг юқори чўққисидир. У ҳаммада ҳам кузатилавермайди. Тош қотган қалб эгаларидан кўп ҳам кўз ёш чиқавермаслигининг сабаби шунда.

Йиғи — Худога яқинлик ҳиссини ошириб, унинг ажру раҳматига сазовор бўлишнинг муҳим омили. Баъзан тўйиб йиғласангиз — дардингиз енгиллашиб, ғуссадан фориғ бўласиз.

Мумтоз адабиётимиз намояндалари ўз асарларида кўз ёши ҳақида кўп ҳикматларни ёзиб қолдирган. Мисол учун шеърият мулкининг султони **Алишер Навоий ҳазратлари "Илоҳи кўнглимни дарду шавқинг билан овут ва кўзимни надомат ашки селоби ила равшан тут", — дея Яратганга ёлвориб муножот қилган.**

Чақалоқ ҳам бу ёруғ оламга йиғлаб келади. Агар унинг йиғи овози чиқмаса, катталар ҳатто ташвишга тушиб, саросимада қолади. У йиғласагина ғам-андуҳлар ариб, дилларга сурур ва сокинлик киради.

Алломаларимиз таъбири билан айтганда, кўз ёши раҳмат бўлса керакки, бирор аъзонгиз оғриса, оғир мусибатда қолсангиз, яқин инсонингиздан айрилсангиз, танишларингиздан бири оғир бемор бўлса ёхуд адолатсизликка дуч келсангиз ноилож йиғлайсиз. Дуога қўл очиб, кўзингиз ёшга тўлиб, илтижо қиласиз.

Кимдир ҳеч кимга сездирмай пинҳона йиғлайди. Яна кимдир хурсандлиги, муваффақият қозонганидан, орзулари амалга ошганидан ўзини тўхтатолмай ошкора қувонч кўз ёшларини тўкади. Шу маънода, "Кўз ёши" мажмуасида шундай эзгу ва пок ният диллардан тилларга кўчиши табиий: **"Илоҳим, раҳмат булоғининг меваси саналмиш хурсандчилик ёшларидан ҳеч кимни айирмасин".**

Мухтасар айтганда, Иккинчи жаҳон уруши миллионлаб бегуноҳ одамларнинг бевақт ўлимига, мислсиз йўқотишлар ва талафотларга сабабчи бўлган дунёдаги энг даҳшатли, қонли қирғинлардан бири сифатида инсоният тарихида муҳрланиб қолди. Кўпмиллатли Ўзбекистон халқи ҳам ҳақиқий жасорат ва фидойилик кўрсатиб, фашизм устидан қозонилган ғалабага улкан ҳисса қўшди.

Хусусан, 2 миллион нафарга яқин юртдошимиз жангларда иштирок этиб, уларнинг 500 мингдан ортиғи қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Шу билан бирга, уруш даврида республикамиз фронт учун зарур бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак, қурол-аслаҳа ва бошқа воситаларни етказиб берадиган муҳим таъминот марказларидан бирига айланди. Айниқса, юртдошларимиз жанглар давом этаётган ҳудудлардан Ўзбекистонга кўчирилган 1,5 миллион нафардан ортиқ кексалар, аёллар ва ёш гўдакларни бағрига олиб, оғир дамларда уларга беқиёс ғамхўрлик кўрсатди.

Президентимизнинг 2021 йил 20 апрелда қабул қилинган "Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида таъкидланганидек, **"халқимизнинг тарих саҳифаларига ўчмас ҳарфлар билан битилган бундай мардлик ва матонати, олижаноблиги, меҳр-мурувватi ва юксак маънавияти барчамизнинг қалбларимизга чексиз ғурур-ифтихор бағишлаб, фарзандларимизни ватанпарварлик ва аждодлар жасоратига садоқат руҳида тарбиялашда илҳомлантириб келмоқда".**

Шунинг учун босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда букилмас ирода ва мардлик намоён этиб, бугунги тинч ва осойишта кунларимиз учун жонини фидо қилган жасур юртдошларимизнинг муқаддас хотирасини эъзозлаш ва фахрийларимизнинг ҳурматини жойига қўйиш юртимизда эзгу анъанага айланган.

**Акмал САИДОВ,**
*Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори*

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг*

**ҚАРОРИ**

# Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Апелляция тартибида иш юритиш ЖПК $497^{2}$-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ, ҳукмнинг ўз ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига дахлдор қисми устидан шикоят бериш ҳуқуқига эга бошқа шахслар томонидан ҳам қўзғатилиши мумкин. Улар жумласига қонунда белгиланган тартибда процесснинг у ёки бу иштирокчиси сифатида эътироф этилмаган, бироқ ўзининг ҳақиқий ҳолатига кўра, суд ҳимоясига муҳтож бўлган шахслар (гаров берувчи, мулки хатланган шахс ва бошқалар) киради.

Шу муносабат билан биринчи инстанция суди шикоят (протест)ни қабул қилиш пайтида апелляция шикояти (протести) берган шахснинг бундай ҳуқуққа эгалигини текшириши шарт.

3. Қонунга кўра, апелляция шикояти (протести) ҳукм чиқарган суд орқали берилади.

Биринчи инстанция суди ҳукми устидан апелляция шикояти (протести) ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса, уларга ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шундай муддат ичида берилади.

Бевосита апелляция инстанцияси судига берилган шикоят (протест) ЖПК $497^{6}$-моддаси талабларини бажариш учун ҳукм чиқарган судга юборилиши керак.

Ҳар бир апелляция шикояти (протести) келиб тушган санаси кўрсатилган ҳолда рўйхатга олиниши шарт.

4. Апелляция шикояти (протести) бериш муддатини тиклаш тўғрисидаги илтимоснома суд томонидан ЖПК $497^{5}$-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, кўриб чиқилади ва бу ҳақда ажрим чиқарилади.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклашни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан ЖПК $497^{11}$-моддаси биринчи қисмига кўра, йигирма кун ичида хусусий шикоят (протест) берилиши мумкин.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклашни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан хусусий шикоят (протест) берилганда, апелляция инстанцияси суди хусусий шикоятни (протестни) асосли деб топса, биринчи инстанция судининг ажримини бекор қилиб, ўтказиб юборилган муддатни тиклайди ва ишни апелляция шикояти, протести (хусусий шикоят ёки хусусий протест) бўйича мазмунан кўради. Бунда кўрсатилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ажрим эълон қилингандан сўнг апелляция инстанцияси судининг мажлиси ЖПК $497^{6}$-моддаси иккинчи қисми талабларини бажариш учун кейинга қолдирилади.

5. Судларга тушунтирилсинки, қонунда апелляция тартибида иш юритиш предмети бўйича муайян истиснолар белгиланган.

Жумладан, биринчи инстанция суди томонидан суд муҳокамаси чоғида чиқарилган ва далилларни текшириш тартибига, процесс иштирокчиларининг илтимосномаларига, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга, шунингдек, суд мажлиси залида тартиб сақлашга оид ажримлар устидан шикоят (протест) берилиши мумкин эмас. Ушбу ажримлар бўйича эътирозлар апелляция шикояти (протести)га киритилиши мумкин.

Ҳукм чиқарилгандан сўнг қабул қилинган амнистия актини татбиқ этиш, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш масалалари юзасидан, шунингдек, маҳкумга нисбатан ижро этилмаган бир неча ҳукм мавжуд бўлиб, кейинги ҳукмни чиқарган суд бундан бехабар бўлган ва ҳ.к. ҳолларда берилган шикоят (протест), агар унда айни бир пайтда жиноят ишининг мазмуни ёки ҳукм (ажрим)нинг қонунийлиги ва асослилиги бўйича бошқа масалалар қўйилган бўлмаса, апелляция тартибида алоҳида кўрилмайди. Бу масалалар биринчи инстанция суди томонидан ЖПК 540-моддаси ва 541-моддаси биринчи қисми қоидаларига мувофиқ ҳал этилади. Бундай масалалар юзасидан чиқарилган суд ажрими устидан умумий асосларда хусусий шикоят (хусусий протест) берилиши мумкин.

6. ЖПК $497^{8}$-моддасида апелляция шикояти (протести)нинг мазмуни юзасидан муайян талаблар белгиланганлиги туфайли, биринчи инстанция суди шикоят (протест) берувчи шахс томонидан уларга риоя этилганлигини текшириши шарт.

Агар шикоят (протест)нинг мазмуни қонун талабларига жавоб бермаса ва бу кейинчалик ишни мазмунан кўришга тўсқинлик қилса, судья уч кунлик муддат ичида ажрим билан уни берган шахсга қайтаради. Бундай ҳолда шикоят (протест) қайта расмийлаштириш учун ЖПК $497^{7}$-моддасида белгиланган доирада муддат белгиланади. Мазкур муддат шикоят (протест)ни уни берган шахсга қайтариш тўғрисидаги ажрим топширилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Шикоят (протест), жумладан, унда қуйидагилар бўлмаса қайтарилиши мумкин, яъни:

1) шикоят (протест) йўлланаётган суднинг номи;

2) шикоят берган шахс, унинг процессуал мавқеи, яшаш жойи ёки туриш манзили тўғрисидаги маълумотлар;

3) ҳукмни чиқарган суднинг номи, ҳукм чиқарилган сана, шикоят берилаётган ва протест билдирилаётган ҳукм кимга нисбатан чиқарилган бўлса, шу шахс тўғрисидаги маълумотлар;

4) шикоят (протест) берган шахснинг важлари, унинг фикрига кўра, ҳукм ёки бошқа қарорнинг нотўғрилиги нимадан иборат эканлиги ҳамда илтимосининг моҳияти;

5) шикоят (протест) берган шахс ўз талабларини асослаётган, шу жумладан, биринчи инстанция суди томонидан текширилмаган далиллар;

6) янгидан тақдим этилаётган далиллар ва уларнинг биринчи инстанция судига тақдим этилмаганлиги сабаблари;

7) шикоятга (протестга) илова қилинаётган материаллар рўйхати;

8) шикоят (протест) берилган сана ҳамда шикоят (протест) бераётган шахснинг имзоси.

Агар шикоят (протест) берган шахс суд томонидан белгиланган муддатда ажримда кўрсатилган камчиликларни бартараф этса, шикоят (протест) судга дастлаб тақдим этилган кундан бошлаб берилган ҳисобланади. Суд кўрсатмаларидан бири бажарилмаган ҳолда шикоят (протест) берилмаган ҳисобланади.

7. Судлар шуни назарда тутиши лозимки, қонун апелляция шикояти бериш ҳуқуқини амалга ошириш муддатини маҳкум, оқланган шахс ва жабрланувчига ҳукм нусхасини топшириш факти билан боғлайди.

Шу муносабат билан ишдаги материаллар (масалан, суд мажлиси баённомаси) билан танишгандан сўнг "асосий" шикоят (протест) тақдим этилишини кўрсатиб, "дастлабки" апелляция шикояти (протести) берилиши қонунда назарда тутилмаган.

8. Жиноят процесси иштирокчисининг ўз шикояти (протести)га ўзгартириш киритиш ҳуқуқи апелляция инстанцияси суди мажлиси бошлангунга қадар амалга оширилиши мумкин. Бироқ, ЖПК $497^{9}$-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, апелляция шикояти (протести) важларини маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган томонга фақат суд қарори устидан шикоят (протест) бериш учун белгиланган муддатда ўзгартирилишига йўл қўйилади.

ЖПК $497^{4}$-моддасида белгиланган муддатлар ўтгандан сўнг берилган, маҳкумнинг аҳволини оғирлаштиришга қаратилган талаблар апелляция инстанцияси суди томонидан кўриб чиқилмайди, шу жумладан, ўтказиб юборилган апелляция шикояти (протести) бериш муддати тиклангандан сўнг берилган бундай талаблар.

9. ЖПК $497^{10}$-моддасига мувофиқ, апелляция шикояти (протести) берган шахс ўз шикояти (протести)ни, маҳкум эса, ҳимоячиси берган шикоятни ҳам қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Протестни қайтариб олиш ҳуқуқи юқори турувчи прокурорга ҳам тегишли.

Қонун мазмунига кўра, апелляция шикояти (протести) апелляция инстанцияси суди маслаҳатхонага киргунга қадар қайтариб олиниши мумкин.

Апелляция шикояти (протести)нинг қайтариб олиниши, агар иш бўйича бошқа процесс иштирокчилари томонидан берилган апелляция шикояти (протести) бўлмаса, апелляция тартибида иш юритиш тугатилишига олиб келади. Бундай ҳолда суд апелляция шикоятини (протестини) қайтариб олган шахсга нисбатан апелляция тартибида иш юритишни тугатади ва бошқа шахсларга нисбатан давом эттиради.

Суд апелляция тартибида иш юритишни тугатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилгунга қадар апелляция шикоятини (протестини) қайтариб олаётган шахсга апелляция тартибида иш юритиш тугатилиши апелляция шикояти (протести) билан такроран мурожаат қилишга тўсқинлик қилишини тушунтириши шарт.

10. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ЖПК $497^{7}$-моддаси иккинчи қисми талабларининг бажарилиши процесс иштирокчилари ҳуқуқларининг таъминланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан апелляция инстанцияси суди ишни суд мажлисида кўришга тайёрлаш пайтида қуйидагиларни текшириши шарт:

маҳкум (оқланган шахс)га, жабрланувчига биринчи инстанция суди қарорлари нусхасининг топширилганлигини;

процесс иштирокчиларига апелляция шикояти (протести), шунингдек, қўшимча материаллар келиб тушганлиги тўғрисида хабар берилганлигини;

апелляция шикояти (протести) билан процесс иштирокчилари таништирилганлиги ҳамда уларга ушбу ҳужжатлар нусхаси топширилганлигини;

жиноят иши апелляция инстанцияси судига юборилганлиги тўғрисида ЖПК $497^{2}$-моддасида кўрсатилган шахслар хабардор қилинганлигини.

Апелляция инстанцияси суди суд қарорининг ишда тараф бўлмаган шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми юзасидан апелляция шикояти (протести) билан келиб тушган ишни кўришга тайёрлаш пайтида қуйидагиларни текшириши шарт:

унга суд қарори нусхаси топширилганлигини;

унга шикоят (протест) берилганлиги тўғрисида хабар берилганлигини;

келиб тушган шикоят (протест) нусхаси унга берилганлигини;

унга апелляция инстанцияси суди мажлисида иштирок этиш ҳуқуқи тушунтирилганлигини;

жиноят иши апелляция инстанцияси судига юборилганлиги тўғрисида унга хабар қилинганлигини.

Ушбу талаблар бажарилмаганлиги аниқланган ва уларни ўзи амалга ошириш имкониятига эга бўлмаган тақдирда, апелляция инстанцияси суди ишни қайта расмийлаштириш учун биринчи инстанция судига юборишга ҳақли. Биринчи инстанция суди томонидан ишни қайта расмийлаштириш ЖПК $497^{7}$-моддасида назарда тутилган муддатларда амалга оширилиши лозим.

11. Эҳтиёт чораси сифатида қамоқда ёки уй қамоғида сақланаётган ва апелляция инстанцияси суди мажлисида қатнашиш истагини билдирган маҳкумнинг унда иштирок этишини таъминлаш ушбу суднинг мажбурияти ҳисобланади. Шунинг учун жиноят иши келиб тушганидан кейин маҳкум апелляция инстанцияси судида иштирок этиш истагини билдирган ёки билдирмаганлигини аниқлаш ва натижасига қараб, уни суд мажлисига олиб келиш бўйича чоралар кўриш ёки видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланиш орқали суд мажлисида иштирок этиши ҳуқуқини таъминлаш лозим.

Қўлланилган эҳтиёт чораси туридан қатъий назар, маҳкумнинг апелляция инстанцияси суди мажлисида қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши жиноят-процессуал қонунининг жиддий бузилиши деб баҳоланади ва апелляция инстанцияси суди ажрими ёки ҳукмининг бекор бўлишига сабаб бўлади.

12. ЖПК $497^{16}$-моддаси биринчи қисмида апелляция суди мажлисида иштирок этиши шарт бўлган тарафлар назарда тутилган. Шу сабабли апелляция инстанцияси суди ҳар бир иш бўйича уларни суд мажлиси жойи, санаси ва вақти тўғрисида олдиндан хабардор этиш чораларини кўриши шарт.

Прокурор ёки ҳимоячи суд мажлисига келмай қолган тақдирда жиноят ишини кўриб чиқиш кейинга қолдирилади.

13. Апелляция инстанцияси суди мажлисида иштирок этиш ҳуқуқига эга жиноят процесси иштирокчилари доираси қонунда белгиланган (ЖПК $497^{15}$-моддаси биринчи қисми 2-банди).

Апелляция инстанцияси судида ишнинг кўрилиш жойи, санаси ва вақти тўғрисида тегишли равишда хабардор этилган шахсларнинг суд мажлисига келмаслиги жиноят ишини кўриш учун тўсқинлик қилмайди, суд мажлисида иштирок этиши шарт бўлган шахслар бундан мустасно.

14. Апелляция инстанцияси суди холислик ва беғаразликни сақлаган ҳолда тарафларга ўз процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириши учун зарур шароит яратиб бериши шарт.

ЖПК $497^{17}$-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, апелляция инстанцияси судида жиноят иши биринчи инстанция судида иш юритиш қоидалари бўйича, ЖПК 55-бобида назарда тутилган қоидалар инобатга олинган ҳолда, кўрилади.

15. ЖПК $497^{25}$-моддасига мувофиқ, суд жиноят ишини апелляция тартибида кўришда апелляция шикояти, протести важлари билан чегараланмасдан, суд қарорлари қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини барча маҳкумларга, шу жумладан, апелляция шикояти бермаган шахсларга ёки ўзига нисбатан шикоят, протест берилмаган маҳкумларга нисбатан ҳам тўла ҳажмда текширади. Бироқ, агар бу маҳкум (оқланган шахс) аҳволининг оғирлашувига олиб келса, прокурор протести ёки жабрланувчининг, унинг вакилининг шикояти бўлмаган ҳолларда, суд шикоят (протест)да келтирилган важлар доирасидан четга чиқишга, шунингдек, апелляция шикояти бермаган маҳкумлар (оқланган шахслар)га нисбатан ишни кўришга ҳақли эмас (ЖПК $497^{29}$-моддаси иккинчи ва учинчи қисмлари).

Агар биринчи инстанция суди томонидан суд терговининг тўлиқ эмаслигига ёки бир ёқламалигига ёхуд процессуал бузилишларга йўл қўйилган бўлса, апелляция инстанцияси суди тўлиқ ёки қисман суд терговини ўтказиш йўли билан бўшлиқларнинг ўрнини тўлдириш, процессуал бузилишларни бартараф этиш чораларини кўради. Шу мақсадда апелляция инстанцияси суди иш ҳолатлари тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб чиқилишини таъминлаш учун зарур бўлган, ЖПК $497^{25}$-моддаси учинчи қисми 1-7-бандларида назарда тутилган ҳаракатларни бажаришга ҳақли.

Апелляция инстанцияси суди тарафларнинг илтимосномаларини (янги гувоҳларни сўроқ қилиш, экспертизалар ўтказиш, ашёвий далиллар ва ҳужжатларни талаб қилиб олиш ва бошқалар ҳақида), улар биринчи инстанция суди томонидан рад этилганлиги сабаблигина, рад этишга ҳақли эмас. Зарур ҳолларда суд қўшимча далилларни талаб қилиб олишда ташаббус кўрсатиши лозим.

ЖПК $497^{25}$-моддасига мувофиқ, қўшимча материаллар суд томонидан тергов органларига муайян тергов ҳаракатларини ўтказиш тўғрисида топшириқ бериш йўли билан ҳам олиниши мумкин. Бу ҳақда апелляция инстанцияси суди ажрим чиқаради, ишнинг муҳокамаси эса кейинга қолдирилади.

Апелляция инстанцияси суди қарор қабул қилиш чоғида биринчи инстанция суди томонидан текширилган далилларни ҳам, апелляция инстанцияси судига тарафлар томонидан тақдим этилган ёки у томонидан талаб қилиб олинган ва текшириб чиқилган янги далилларни ҳам эътиборга олади.

16. Апелляция шикоятида (протестида) процесс иштирокчиларининг суд мажлиси баённомасида қайд этилган кўрсатувлари уларнинг биринчи инстанция судида аслида берган кўрсатувларига мос эмаслиги тўғрисида келтирилган важлар бу шахсларни апелляция инстанцияси суди мажлисида сўроқ қилиш йўли билан текширилиши мумкин.

17. Апелляция инстанцияси судида тарафлар музокаралари ЖПК 449-моддаси қоидаларига мувофиқ ўтказилади, бироқ бунда шикоят (протест) берган шахс биринчи бўлиб сўзга чиқади.

Иш бўйича бир неча апелляция шикояти (протести) мавжуд бўлганда, биринчи бўлиб айблов тарафига тегишли процесс иштирокчилари сўзга чиқади.

18. Қонунга кўра, апелляция инстанцияси суди мажлисида иштирок этаётган маҳкумга охирги сўз берилмаслиги жиноят-процессуал қонунининг жиддий бузилиши саналади ва апелляция ҳукми ёки ажримининг бекор бўлишига сабаб бўлади.

19. ЖПК $497^{29}$-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, апелляция инстанцияси суди жазони кучайтиришга, шунингдек, унга эълон қилинган айблов доирасида оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллашга фақат шу асосларга кўра жабрланувчи ёки унинг вакили томонидан шикоят берилган ёхуд прокурор томонидан протест билдирилган ҳоллардагина ҳақли.

Апелляция инстанцияси суди фақат прокурор томонидан протест билдирилган, жабрланувчи ёки унинг қонуний вакили томонидан шикоят берилган ҳоллардагина оқлов ҳукмини бекор қилиб, айблов ҳукми чиқаришга ҳақли.

Агар ишни кўриш вақтида судланувчининг унга илгари айблов қўйилмаган жиноятни содир этганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, апелляция инстанцияси суди янги айблов бўйича жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади (ЖПК 416-моддаси биринчи қисми).

Агар ишни кўриш вақтида жавобгарликка тортилмаган шахс томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, апелляция инстанцияси суди жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади (ЖПК 417-моддаси биринчи қисми).

Агар жиноят ишини апелляция тартибида кўриш чоғида ЖПК 416-моддаси иккинчи — бешинчи қисмларида, ЖПК 417-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар аниқланса, суд прокурорнинг, жабрланувчининг, унинг вакилининг, маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг ёки қонуний вакилининг илтимосномасига кўра, судланувчини янги айблов бўйича жиноий жавобгарликка тортиш ёки бошқа шахсни иш бўйича айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб этиш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантириш ҳақида ажрим чиқаради ва унинг ижросини айблов далолатномаси ёки айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорга ижро муддатини бир ойгача доирада кўрсатган ҳолда топширади. Бунда кўрилаётган жиноят иши суднинг иш юритувида қолади.

Бундай илтимоснома киритилмаган, суднинг ажрими ЖПК 416, 417-моддаларида белгиланган муддатда бажарилмаган, прокурорнинг айбловга қўшимча киритиш ёки янги шахсни ишда айбланувчи сифатида иштирок этиш учун жалб этиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги хулосаси келиб тушган ҳолда, апелляция инстанцияси суди суд муҳокамасини эълон қилинган айблов доирасида ва жиноят ишида мавжуд бўлган далиллар асосида давом эттиради.

Маҳкумга янги айбловнинг қўйилиши ёки янги шахс айбланувчи сифатида ишда иштирок этиш учун жалб этилиши апелляция инстанцияси суди томонидан айблов ҳукми бекор қилинишига ва иш биринчи инстанция судига янгидан кўриш учун юборилишига асос бўлади.

20. Қандайдир сабабга кўра, айрим маҳкумларга нисбатан қонунда белгиланган муддатда берилган апелляция шикояти (протести) бошқа маҳкумларга нисбатан иш кўрилгандан сўнг келиб тушса ёки ўтказиб юборилган муддат ЖПК $497^{5}$-моддаси тартибида тикланса ёхуд маҳкумнинг, унинг ҳимоячисининг ёки қонуний вакилининг апелляция шикояти шу маҳкумга нисбатан процесснинг бошқа иштирокчиси томонидан берилган шикоят (протест) кўрилгандан сўнг келиб тушса, апелляция инстанцияси суди ЖПК $497^{35}$-моддасида белгиланган қоидаларга риоя қилиши керак.

21. Апелляция инстанцияси суди, агар чиқарилган ҳукм ЖПК 455-моддаси талабларига мувофиқ эканлигини аниқласа, уни ўзгаришсиз қолдиради.

Ҳукмни ўзгаришсиз қолдирганда апелляция инстанцияси суди қуйидагиларга ҳақли:

ЖПК 533-моддаси биринчи қисми 3-бандида кўрсатилган асос мавжуд бўлганда, ҳукмнинг ижросини кечиктиришга;

амнистия актини қўллашга.

22. ЖПК $497^{19}$-моддасида ҳукм бекор қилиниши ва ўзгартирилиши учун бир хил асослар белгиланган бўлиб, апелляция инстанцияси суди, ишнинг муайян ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда, бу асосларни у ёки бу тарзда қўллаши мумкин.

Ҳукм қуйидаги ҳолларда ўзгартирилиши шарт, агар:

суд тергови тўлиқ бўлмаса ёки бир ёқлама олиб борилган бўлиб, бироқ йўл қўйилган камчиликлар тўлдирилганидан сўнг апелляция инстанцияси суди жиноят квалификациясини ўзгартириш зарурлиги ҳақида хулосага келса;

ҳукмда баён қилинган суд хулосалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ бўлмай, бироқ апелляция инстанцияси суди уларга маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирмаган ҳолда тегишли баҳо бера олса;

иш бўйича ЖПК нормалари бузилган бўлиб, бироқ уларнинг апелляция инстанциясида бартараф этилиши ҳукмни бекор қилишни талаб этмаса;

суд томонидан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (бундан буён матнда ЖК деб юритилади) нормалари нотўғри қўлланилган бўлиб, бироқ апелляция инстанцияси суди бу хатони маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирмаган ҳолда тузатиши мумкин бўлса;

апелляция инстанцияси суди тайинланган жазо енгиллаштирилиши лозим деб ҳисобласа.

23. Апелляция инстанцияси суди ҳукмни ўзгартириш учун асослар мавжуд бўлганда қуйидагиларга ҳақли:

қилмишни ЖК бошқа моддасига (бир неча моддаларига) қайта квалификация қилишга;

ҳукмдан айбловнинг бир қисмини (айрим эпизодларини)

ёки маҳкумнинг жавобгарлигини оғирлаштирувчи белгиларни чиқаришга;

ҳукмдан жиноятларнинг идеал мажмуи тариқасида қилмишни нотўғри баҳолаш туфайли ортиқча эълон қилинган ЖК моддасини чиқаришга;

ЖК 70-72-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, маҳкумни жазодан озод қилишга;

**(Давоми 4-бетда)** ▶

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг*

**ҚАРОРИ**

# Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида

◀ **(Бошланиши 1 ва 3-бетларда)**

жазо миқдорини ўзгартиришга ва ЖК Махсус қисми моддаси санкцияси доирасида бошқа енгилроқ ёхуд ЖК 57-моддасини қўллаган ҳолда жазо тайинлашга;

маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирмаган ҳолда ЖК 59 ёки 60-моддасини қўллаб, жазо миқдорини ўзгартиришга;

жиноят натижасида етказилган зарар, шунингдек, маънавий зиённинг компенсацияси миқдорини кўпайтириш ёки камайтиришга, шунингдек, ушбу масала биринчи инстанция суди томонидан ҳал этилмаган ҳолларда, бундай зарарни қоплаш тўғрисида қарор қабул қилишга;

маҳкумни ўта хавфли рецидивист деб топишга ёки ҳукмдан уни ўта хавфли рецидивист деб топиш ҳақидаги қарорни чиқаришга;

маҳкумга нисбатан жазони ижро этиш колониясининг бошқа, шу жумладан, қаттиқроқ турини белгилашга;

ашёвий далиллар, процессуал чиқимлар тўғрисидаги масалаларни ва бошқа масалаларни ҳал этишга.

24. Асосий жазо енгиллаштирилганда, шу жумладан, ЖК 57-моддаси қўлланилганда ҳам, апелляция инстанцияси суди ҳукмнинг қўшимча жазо тайинлаш ҳақидаги қисмини ўзгаришсиз қолдириши мумкин.

25. ЖПК $497^{29}$-моддаси биринчи ва иккинчи қисмлари талабларига риоя этган ҳолда маҳкумнинг қилмишини ЖК бир моддасидан икки ва ундан ортиқ моддаларига қайта квалификация қилганда, апелляция инстанцияси суди ҳукмга тегишли ўзгартиришлар киритиши ва ЖК 59-моддасида белгиланган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлашга ҳақли.

Агар ЖК бир моддаси билан квалификация қилиниши шарт бўлган икки ёки ундан ортиқ қилмиш ЖК бир неча моддаси билан нотўғри квалификация қилинган бўлса, апелляция инстанцияси суди ушбу қилмишларни ЖК тегишли моддасига қайта квалификация қилиб, шу модда бўйича янги жазо белгилашга ҳақли.

26. Биринчи инстанция суди томонидан жазоларни қоплаш принципи (ЖК 59-моддаси иккинчи қисми) нотўғри қўлланилганлиги аниқланганда, апелляция инстанцияси суди жазоларни қўшиш принципига ўтиши мумкин. Бунда янги жазо ҳукм бўйича тайинланган узил-кесил жазо миқдоридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

27. Бошқа эпизодлар билан умумий квалификация қилинган бир ёки бир неча эпизод (масалан, бир неча марта пора олганлик) бўйича иш ҳолатлари тўлиқ текширилмаган деб топилганда, агар йўл қўйилган камчиликларни тўлдириш учун имконият бўлмаса, апелляция инстанцияси суди ҳукмни ўзгартириб, уларни ҳукмдан чиқариши лозим.

Агар маҳкум ЖК турли моддалари бўйича квалификация қилинган бир неча жиноятни содир этганликда айбдор деб топилган бўлса, апелляция инстанцияси суди ҳукмнинг бир ёки бир неча жиноятга оид қисмини ўзгартириб, ўша маҳкумга нисбатан ҳукмнинг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдириши мумкин.

28. Жиноят-процессуал қонуни нормаларининг ҳукм сўзсиз бекор қилинишига сабаб бўладиган даражада жиддий бузилиши тушунчаси ЖПК $497^{22}$-моддасида кўрсатилган. Бундай қонун бузилишини аниқлаганда, апелляция инстанцияси суди жиноят иши кимнинг шикояти (протести)га кўра кўрилаётганлигидан қатъи назар, йўл қўйилган қонун бузилиши дахл этган барча маҳкумларга нисбатан ҳукмни бекор қилиши шарт.

Шуни назарда тутиш лозимки, жиноят-процессуал қонуни нормалари жиддий бузилганлигининг аниқланиши апелляция инстанцияси судини шикоят, протестда келтирилган бошқа важларни ҳам (айбловнинг исботланганлиги, квалификациянинг тўғрилиги, жазонинг адолатлилиги тўғрисида ва ҳ.к.) мазмунан кўриб чиқиш ва улар бўйича ажримда тегишли хулоса чиқариш мажбуриятидан озод этмайди.

Жиноят иши бўйича йўл қўйилган жиноят-процессуал қонуни жиддий бузилиши ҳоллари апелляция инстанцияси суди томонидан ҳукм бекор қилиниб, янги ҳукм, шу жумладан, айблов ёки оқлов ҳукми чиқарилишига ёки ишнинг ЖПК 84-моддасига мувофиқ тугатилишига тўсқинлик қилмайди.

29. Шахсни жиноий жавобгарликдан озод этишни назарда тутувчи амнистия актига зид равишда ёки жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтгандан сўнг жиноят иши қўзғатилган ҳолларда, ҳукм, гарчи унда маҳкум жазодан озод қилинган бўлса-да, бекор қилиниб, иш тугатилиши керак.

Агар апелляция инстанцияси суди маҳкумнинг ҳаракатларини ЖК бошқа моддасига қайта квалификация қилиш кераклиги тўғрисида хулосага келса ва бу модда шахсни жазодан озод этишни назарда тутувчи ёки жазо қўлланилишини истисно этувчи амнистия акти таъсири доирасига тушса, апелляция инстанцияси биринчи инстанция суди қабул қилиши шарт бўлган қарор чиқариши керак. Маҳкумнинг ҳаракатлари ЖК бошқа моддасига қайта квалификация қилиниб, бу модда бўйича шахс ЖПК 463-моддаси иккинчи қисми 2-банди ҳамда учинчи қисми 2 ва 5-бандларига кўра, жазодан озод қилиниши лозим бўлган ёки унга нисбатан жазо тайинланиши истисно этилган ҳолларда ҳам шундай қарор қабул қилиниши лозим.

30. Агар амнистия акти биринчи инстанция суди томонидан қўлланилиши мумкин бўлмаган маҳкумга нисбатан қўлланилган бўлса, апелляция инстанцияси суди, жабрланувчи ёки унинг вакилининг шикояти ёки прокурор протести бўлган тақдирда, ҳукмни бекор қилади ва янги ҳукм чиқариш орқали амнистия актини қўлламаган ҳолда янги жазо тайинлайди (ЖПК $497^{29}$-моддаси биринчи ва иккинчи қисмлари).

Агар апелляция инстанцияси суди амнистия акти қўлланилган ҳолда ҳукмда тайинланган жазо амнистия акти қўлланилмаган ҳолда ҳам маҳкум учун етарли деб топса, у ҳукмдан амнистия актини қўллаш ҳақидаги хулоса ва қарорни чиқариб, ҳукмда амнистия акти қўлланилган ҳолда тайинланган жазони қолдиришга ҳақли.

31. Апелляция инстанцияси суди маҳкумга нисбатан унга эълон қилинган айблов доирасида жабрланувчи, унинг вакили шикоятида ёки прокурор протестида кўрсатилган асослар бўйича жазони кучайтириш ёки оғирроқ жиноятга оид қонунни қўллаш лозимлиги тўғрисида хулосага келса, биринчи инстанция суди ҳукмини бекор қилади ва янги айблов ҳукми чиқаради. Масалан, шикоят (протест)да фақат маҳкумнинг ҳаракатлари нотўғри квалификация қилинганлиги тўғрисидаги масала қўйилган бўлса, суд ҳукмни жазонинг енгиллиги сабабли бекор қилишга ҳақли эмас.

Ўзга маҳкумлар ёки улар ҳимоячиларининг оғирроқ жиноятга доир қонунни қўллаш зарурлиги ёки жазонинг енгиллиги тўғрисидаги шикоятлари ҳукмни маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирувчи томонга бекор қилиш учун сабаб бўла олмайди.

32. Апелляция инстанцияси суди ҳукмни бекор қилиш учун асослар мавжуд бўлганда қуйидагиларга ҳақли:

1) айблов ҳукмини бекор қилиш ва оқлов ҳукми чиқаришга;

2) айблов ҳукмини бекор қилиш ва янги айблов ҳукми чиқаришга;

3) оқлов ҳукмини бекор қилиш ва айблов ҳукми чиқаришга;

4) айблов ҳукмини бекор қилиш ва жиноят ишини тугатишга;

5) ЖПК 416-моддаси ўн иккинчи қисмида ёки 417-моддаси еттинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар аниқланганда, айблов ҳукмини бекор қилиш ва ишни биринчи инстанция судига юборишга.

Ушбу банднинг 1-3-кичик бандларида назарда тутилган ҳолларда апелляция инстанцияси суди апелляция ҳукмини чиқаради.

33. Жиноят-процессуал қонуни мазмунига кўра, ишни хусусий шикоят (протест) бўйича кўрганда апелляция инстанцияси суди қуйидагиларга ҳақли:

1) биринчи инстанция суди ажримини ўзгаришсиз, хусусий шикоятни (протестни) эса, қаноатлантирмасдан қолдиришга;

2) биринчи инстанция суди ажримини бекор қилиш ва ишни янгидан кўриш учун юборишга;

3) биринчи инстанция суди ажримини бекор қилиш ва ишни умумий асосларда дастлабки тергов ўтказиш учун прокурорга юборишга;

4) биринчи инстанция суди ажримини бекор қилиш ва амнистия актини қўллашга;

5) биринчи инстанция суди ажримини бекор қилиш ва ишни тугатишга;

6) биринчи инстанция суди хусусий ажримини бекор қилишга;

7) биринчи инстанция суди ажримини ўзгартиришга.

Апелляция инстанцияси судининг хусусий шикоят (протест) бўйича чиқарган ажрими узил-кесил ҳисобланади.

34. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, оқлов ҳукмининг оқлов асосларига доир қисми фақат оқланган шахс, унинг ҳимоячиси, қонуний вакилининг шикоятига кўра ўзгартирилиши мумкин (ЖПК $497^{30}$-моддаси иккинчи қисми).

Оқлов ҳукми апелляция инстанцияси суди томонидан, фақат шахснинг асоссиз оқланганлиги тўғрисида жабрланувчи (унинг вакили)нинг шикояти ёки прокурорнинг протести бўлган ҳолда бекор қилиниши мумкин.

Айрим оқланган шахсларга нисбатан шикоят (протест) берилиши бошқа оқланган шахсларга нисбатан ҳукмнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши учун асос бўлмайди.

35. Агар маҳкум ўзи ёки процесснинг бошқа иштирокчилари томонидан апелляция шикояти (протести) берилгандан сўнг, бироқ иш апелляция инстанцияси судида кўрилгунга қадар вафот этса, иш юритиш умумий асосларда давом эттирилади.

Марҳумни реабилитация қилиш учун асослар бўлган тақдирда, апелляция инстанцияси суди айблов ҳукмини бекор қилиб, оқлов ҳукми чиқаради, бошқа ҳолларда эса, ҳукмни бекор қилиб, ушбу шахсга нисбатан жиноят ишини ЖПК 84-моддаси биринчи қисми 3-бандига мувофиқ тугатади.

Иш тугатилганда ашёвий далиллар тақдири ҳақидаги масала ЖПК 211-моддасига мувофиқ, уларнинг тегишлилиги тўғрисида низо келиб чиққанда эса фуқаролик иш юритув тартибида кўрилиши мумкин. Марҳумнинг ҳаракатлари билан етказилган зарарни ундириш масаласи ҳам жабрланувчи ёки прокурор томонидан марҳумнинг ворисларига ёки унинг мулкини бошқариш ҳуқуқини ўзига олган шахсга нисбатан қўзғатилган даъво бўйича фуқаролик иш юритув тартибида кўрилади.

36. Апелляция инстанцияси судининг ҳукми ва ажрими ЖПК $497^{31}$-моддаси талабларига мувофиқ бўлиши, жумладан, унда апелляция шикояти (протести)да келтирилган ҳар бир важ муҳокама этилиб, унинг асослилиги ёки асоссизлиги юзасидан хулосалар баён этилиши шарт.

Апелляция инстанцияси судининг ҳукми, ажрими у эълон қилинган пайтдан эътиборан кучга киради ва биринчи инстанция суди томонидан иш апелляция инстанцияси судидан келиб тушган кундан эътиборан уч сутка ичида ижрога қаратилади.

37. ЖПК 298-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда, шунингдек, суриштирув, дастлабки тергов юритилган ёки суд муҳокамаси вақтида қонун бузилишига йўл қўйилганлигини аниқлаган тақдирда, апелляция инстанцияси суди хусусий ажрим чиқариш йўли билан тегишли орган ёки мансабдор шахснинг эътиборини бунга жалб этиши мумкин.

Суд қарори ўзгаришсиз қолдирилганда, апелляция инстанцияси суди унинг қонунийлиги ва асослилигини шубҳа остига олувчи хусусий ажрим чиқаришга ҳақли эмас.

38. Одил судлов сифатини ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларга ишларнинг апелляция инстанциясида синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона кўриб чиқилиши учун қонунда берилган барча имкониятлардан фойдаланиш тавсия этилсин.

39. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция ва кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида" 2018 йил 24 августдаги 25-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси** **К. КАМИЛОВ**

**Пленум котиби, Олий суд судьяси** **И. АЛИМОВ**

---

*Қонун ҳимоясида*

# Барҳам топган сунъий тўсиқлар

### *уларнинг судда қонуний ечими топилди*

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Шу аснода Урганч шаҳрининг Абулғози Баҳодирхон номли кўчасида жойлашган 95 квадрат метр саҳнли эски тикувчилик шаҳобчаси ва 81,5 квадрат метрга тенг дўкон бинолари 7 қаватли замонавий турар жой биносини барпо этиш муносабати билан бузиладган бўлди.

Ер-мулк эгаси Шуҳрат Комиловга (исм-шарифлар ўзгартирилган) ушбу бунёдкорликни амалга ошириш учун масъул бўлган "Ҳунарманд баракат газ инвест монтаж" масъулияти чекланган жамияти билан тегишли тартибда шартнома тузиш таклиф қилинди. Аммо мулкдор бунга рози бўлмади. Таклиф рад қилинди. Бунинг оқибатида ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиби асосида аллақачон бузиб юборилган иккита бинонинг бозор қийматига тенг салкам 109 миллион сўмлик товон пули ора йўлда қолди. Начора, низони ҳал этиш масъулиятини мазкур жамиятнинг сўрови асосида Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси ўз зиммасига олди. Иш судда кўриб чиқилди.

Лола Акбарова (исм-шарифлар ўзгартирилган) ва Урганч шаҳар ҳокимлиги ўртасида товон тўлови бўйича юзага келган можарони ҳам ўзаро муроса-ю,мадора асосида ҳал этишнинг иложи бўлмади. Афсуски, томонлар қонуний келишувга қўл силташди. Судлашувни афзал кўришди. Барига фуқарога қарашли икки қаватли иморатни шаҳарнинг марказий қисмини қайта қуриш муносабати билан бузишга қаратилган шаҳар ҳокимининг 2017 йилдаги 1855-к сонли қарор сабаб бўлди. Қарорга кўра, тадбиркорнинг "Зарафшон" кўчасидаги сатҳи 1100 квадрат метрдан иборат маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси ва автомобилларни таъмирлаш устахонаси жойлашган бино-иншоотлар давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиладиган, ер-мулк эгасига эса, бошқа жойдан тегишли ҳажмда ер майдони ажратиб бериладиган ҳамда қарийб 387 миллион сўм миқдорида компенсация тўлови амалга ошириладиган бўлди. Ҳокимлик қарорнинг олиб қўйилган ҳар иккала бино ҳудудига тенг бўлган янги ер майдонини ажратиб беришга оид талабини бажарди. Бироқ товон тўловини тўлашга шошилмади. Тадбиркор аёл эса, қарор талаби бекаму-кўст бажарилишини кутди. Лекин натижа бўлмади. Шундан сўнг Урганч шаҳар адлия бўлими тадбиркорнинг шикояти асосида товон пулини ундиришни сўраб, судга мурожаат қилгач, ҳокимлик мутасаддилари тўнини тескари кийиб олишди. Улар судга қарши даъво аризаси тақдим қилишди. Томонлар ўртасидаги баҳс-мунозара муросасиз кечди. Аммо охир-оқибатда қонун устуворлиги ушбу жараёнда ҳам тантана қилди.

Зеро, қонун талабига кўра, юртимизда хусусий мулк мутлақо дахлсиз ва уни қонунга хилоф тарзда эгаллаб олиш, тасарруф этиш, асоссиз равишда олиб қўйиш ваколати ҳеч кимга берилмаган.

Мулкий муносабатларга оид тартиб-тамойиллар Конституциямизда батафсил ифодасини топган. Унга кўра, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир. Унга биноан яратилган қонунлар мажмуаси жами мулкий муносабатларнинг ҳуқуқий ечимини таъминлаш гаровига айланди. Ер участкаси олиб қўйилганда компенсация бериш тартиби эса, мавжуд қонунчилигимизда муфассал акс этди. Хусусийлаштирилган ер майдонларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш чоғида компенсация тўлови муқаррар равишда амалга оширилади. Шу билан бирга жорий этилган ҳуқуқий меъёрларда хусусийлаштирилмаган ер участкаларига бўлган муносабат ҳам ўз ифодасини топди. Уни олиб қўйишнинг адолатли, мақбул ҳуқуқий йўл-йўриқлари белгилаб қўйилди.

Зикр этилган ҳолатлар ер участкаларини олиб қўйишнинг моддий ва ҳуқуқий хусусиятларини белгилашнинг муҳим ва ҳал қилувчи омили саналади.

Бироқ юртимизда расм бўлган адолатли ва инсонпарварлик таомилларига кўра, ер майдонини бошқа узрли зарурий эҳтиёжлар, жумладан, кутилмаган вазиятлар, фавқулодда ҳолатларда компенсация тўловларини амалга оширган ҳолда ҳам олиб қўйиш мумкин. Бу иш фавқулодда хусусиятга эга бўлган табиий офатлар, авариялар, эпидемиялар юз берган тақдирда ваколатли органнинг қарорига асосан, жамият манфаатларини кўзлаган ҳамда вақтинчалик ҳолатларни назарда тутган ҳолда амалга оширилади. Мазкур тадбир вақтинчалик хусусиятга эга ва олиб қўйилган ер участкасини фавқулодда вазият барҳам топганидан сўнг собиқ эгасига қайтариш, етказилган зарарни тўлиқ қоплаш кўзда тутилган.

Шуни ҳам эслатиш зарурки, мол-мулк, шу жумладан, ер майдонини шахсий ва тижорат мақсади, шунингдек, жамият манфаатлари билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатда олиб қўйиш мумкин эмас.

Энди юқорида баён этилган қонунбузарлик ҳолатларига тўхталсак, суд Анвар Муродовнинг бузилган дўкони учун товон тўловини амалга ошириш ҳақидаги талабини асосли, бу борадаги қарзни тўлашни ойлар мобайнида пайсалга солиб келган Урганч тумани ҳокимлиги ҳаракатини ноқонуний, деб топди. Жавобгарлик масъулияти туман ҳокими зиммасида қолди. Бузиб юборилган 60,2 квадрат метр саҳнли дўкон биноси учун ҳисобланган 25 миллион сўм товон пулидан ташқари давлат божи ва адвокатлик хизмати учун даъвогар сарфлаган 2 миллион сўмни ҳам жавобгар тўлайдиган бўлди.




Бу жараёнда Шуҳрат Комиловнинг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган 95 квадрат метр саҳнли эски тикувчилик цехи биноси учун ҳисобланган 109 миллион сўмлик товон пулини олишни рад этилгани сабаблари ҳам синчиклаб ўрганилди. Бунда мулк эгаси зиммасига бузилган бинонинг бозор қийматидаги товон пулини олиш мажбуриятини юклаш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилган шаҳар ҳокимлиги ҳақ, тўловни қабул қилиш ҳақидаги таклифни рад этиб келган фуқаро ноҳақ бўлиб чиқди. Суд бузилган иккала бино учун қарийиб 109 милион сўм миқдоридаги товон пулини ундириб, мулк эгасига бериш масаласини узил-кесил ҳал этди. Унга кўра, ҳокимлик белгиланган миқдордаги пулни тўлайдиган, мулкдор эса, уни қабул қилиб оладиган бўлди.

Мулк эгаси Лола Акбарова ва Урганч шаҳар ҳокимлиги ўртасида товон пули масаласида келиб чиққан низода аксинча ҳолат юз берди. Қонун мулкдорни ёқлади. Суд фуқаронинг шу ҳақдаги шикоятидан сўнг қарши даъво аризаси билан мурожаат қилган ҳокимлик ўз даъвосини етарли даражада асослаб беролмагани боис рад этди. Мулкдорнинг 387 миллион сўм миқдоридаги компенсация тўловига оид сўровини қаноатлантиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблади. Бу қабул қилинган ҳал қилув қарорида ўз ифодасини топди.

Мулкий ва фуқаролик муносабатларига оид бу сингари низоли масалалар қонун талаби доирасида ечим топиши мумкин. Низо — қонунга нисбатан лоқайдлик, совуққонликнинг меваси. Масаланинг туб моҳиятига разм солган киши баён қилинган ҳаётий мисоллар амалдаги қонун талаблари маҳаллий давлат идоралари томонидан бузиб ёки нотўғри талқин этилгани, унга етарлича амал қилинмаганини яққол кўрсатади. Қонун тантанаси эса, авваламбор маъмурий бошқарув органлари мансабдор шахсларининг қатъий интизоми ва саъй-ҳаракатлари баробарида таъминланади. Қонун устуворлигини таъминлаш эса ким бўлишидан, жамиятда қандай мавқени эгаллашидан қатъи назар, ҳар бир кишининг шарафли бурчи, масъулиятли вазифасидир.

**Ғайрат МАТЯҚУБОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро суди судьяси*
**Абдулла СОБИРОВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

*Жамиятимиз мақсади*

# Суд-ҳуқуқ тизими:

## *ислоҳотларнинг янги босқичи*




◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

***Судлар фаолиятини ривожлантириш истиқболлари***

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, кейинги тўрт йилда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш борасида 40 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Шу асосда судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, суд кадрларини танлаб олишнинг очиқ ва шаффоф механизмини яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўтган даврда судлар тузилмаси замон талабларига мос равишда такомиллаштирилди. Вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар негизида судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ҳолда вилоят даражасидаги умумюрисдикция судлари ташкил этилди.

Кейинги йилларда иқтисодиётимизга киритилаётган инвестициялар ҳажми тобора ошаётгани диққатга лойиқ. Бу, ўз навбатида, инвесторлар ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг самарали тизими яратилишини тақозо этмоқда. Жумладан, эндиликда йирик инвесторларга таааллуқли тоифадаги низолар ва рақобатга оид ишлар, тарафларнинг хоҳишига кўра, Олий суднинг инвестициявий низоларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш бўйича судлов таркиби томонидан кўрилади. Яъни ушбу низолар биринчи инстанцияда тўғридан-тўғри Олий суд томонидан кўрилиши мумкин.

Бошқа инвесторлар иштирокидаги инвестициявий низолар, уларнинг хоҳишларини инобатга олган ҳолда, вилоят даражасидаги судлар томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилиши мумкин.

Судларни молиялаштириш тизими халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди. 2021 йил 13 январдаги Президент Фармонига мувофиқ 2021 йилдан бошлаб судья ва суд органлари ходимларининг иш ҳақлари ҳамда қўшимча тўловлари тўлиқлигича давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши белгиланди. Шунингдек, судьяларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилди.

Суд тизимида гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг суд-ҳуқуқ соҳасидаги мавқеини ошириш, хусусан, аёл судьяларни қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2019 йилда судларда 149 нафар аёл, 1047 нафар эркак судья фаолият юритган бўлса, 2020 йилда 157 нафар аёл, 1074 нафар эркак судья фаолият юритди.

2021 йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда ишлаб турган 1 214 нафар судьядан 1 053 нафари эркаклар бўлиб, аёл судьялар 161 нафарни, яъни 15,3 фоизни ташкил қилади. Олий судда фаолият юритаётган 63 нафар судьянинг 15 нафари аёл судьялардир. Бу рақам 31,3 фоизни ташкил этади.

Инсон ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш мақсадида суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилди. 2017 йилга қадар 6 суд инстанциясида суд қарорлари қайта кўриб чиқилган бўлса, кейинги уч йилда бу инстанциялар сони 3 тага қисқартирилди.

Халқаро стандартларга мос равишда уч босқичли суд тизими яратилиб, биринчи инстанция (туман (шаҳар) судлари, айрим тоифадаги мураккаб ишлар бўйича вилоят судлари); апелляция инстанцияси (вилоят даражасидаги судлар) ва кассация инстанцияси (Олий суд)дан иборат бўлган **"Бир суд — бир инстанция"** тамойили жорий қилинди. Халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг эътирозига сабаб бўлган назорат инстанцияси тўлиқ бекор қилинди.

Суд қарорларини қайта кўриш институтини янада такомиллаштириш, тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги принципига риоя этилишини таъминлаш мақсадида Жиноят-процессуал кодекс, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Иқтисодий ва Фуқаролик процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Қонунларга асосан фуқароларга одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида апелляция ва кассация инстанциялари ислоҳ қилинди.

Суд процессида тортишув принципини ҳамда тарафларнинг тенглигини таъминлаш мақсадида судланувчи, жабрланувчи ва уларнинг вакиллари томонидан кассация тартибида берилган шикоятнинг мақоми прокурорнинг протести билан тенглаштирилди.

Жиноят процессида аввал янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қайтадан бошлаш фақат прокурорнинг ташаббусига кўра амалга оширилган бўлса, энди бундай ҳуқуқ жиноят процессининг бошқа иштирокчилари, яъни маҳкум, оқланган шахс, уларнинг ҳимоячилари ва қонуний вакиллари, жабрланувчи ва унинг вакилига ҳам берилди. Улар судга янги очилган ҳолатлар туфайли иш юритишни қўзғатиш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқига эга бўлди.

Фуқаролик ва иқтисодий ишларни кўришда прокурор иштироки билан боғлиқ нормалар халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди. Прокурор қонунда назарда тутилган ёки ўзининг даъво аризаси асосида қўзғатилган ишлардагина иштирок этиши, иш бўйича тарафларнинг мурожаатлари мавжуд бўлган тақдирда кассация протестини киритиш масаласини ҳал қилиш учун суддан ишни талаб қилиб олишга ҳақли экани белгиланди.

Жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институти бекор қилинди ва далилларга баҳо бериш институти тубдан такомиллаштирилди. Бу, ўз навбатида, иш бўйича барча ҳолатлар суд томонидан ҳар томонлама текширилиб, далилларга холисона баҳо берилишига, натижада оқлов ҳукмлари кўпайишига асос ятратди.

Ушбу соҳадаги натижадорликни 2019 йилда Ўзбекистонга расмий ташриф билан келган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси жаноб Диего Гарсия-Саян ҳам алоҳида қайд этганди. Чунончи, ўтган 4 йилда 2 770 нафар, 2020 йилнинг ўзида 781 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган бўлса, 3 434 нафар шахс суд залидан озод қилиниб, 5 958 нафар фуқарога нисбатан асоссиз қўйилган моддалар айбловлардан чиқарилган ёки ўзгартирилган.

2020 йилда судланган шахсларнинг 74 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланган. Жазо муддатини ўтаётган ва тузалиш йўлига қатъий кирган 616 нафар фуқаро афв этилган.

Судда ишларни кўришда бир қатор янги институтлар жорий этилди. Жумладан, жиноят иши бўйича дастлабки эшитув, фуқаролик ва иқтисодий судларда судгача мажлис, соддалаштирилган тартибда иш юритиш, медиация институтлари амал қилмоқда. Бундан ташқари жиноят процессида ярашув институти кенгайтирилиб, у барча инстанцияларда қўлланадиган бўлди.

***Суд ҳокимиятининг очиқлиги***

Судларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб, бу борада ҳам муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, судлар фаолияти ҳақида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини хабардор қилиш мақсадида ҳар чоракда вилоят судлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан брифинглар ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди.

Судлар томонидан қабул қилинган қарорлар Олий суд веб-сайтида мунтазам равишда эълон қилиб борилмоқда. Бугунги кунда Олий суд веб-сайтида 1,5 миллиондан ортиқ суд қарорлари эълон қилинди.

Суд муҳокамаси ошкоралигини, судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқи тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш мақсадида 2020 йил 21 февралда Олий суд Пленумининг "Суд муҳокамаси ошкоралигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Дарҳақиқат, суд муҳокамаси ошкоралиги, судлар фаолияти тўғрисида жамоатчиликка ўз вақтида ва холис ахборот бериш жамиятда ҳуқуқий хабардорлик даражаси ошишига имкон яратади, одил судловни амалга оширишнинг муҳим кафолати ҳисобланади, судлов фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш ва судга нисбатан жамият ишончини оширишнинг самарали воситаси саналади.

Шу муносабат билан Пленум қарорида судлар суд муҳокамаси ошкоралиги ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур шароит яратишлари лозимлиги тушунтирилди.

Айниқса, одил судловдан фойдаланиш имкониятларини осонлаштириш ҳамда бу борада шаффофликни оширишга қаратилган электрон тартиб-таомиллар босқичма-босқич амалиётга татбиқ этилаётгани муҳим аҳамиятга эга.

***Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш***

Тўртинчи саноат инқилоби даврида судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш борасида ишлар жадал амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган тўрт йил давомида 24 мингдан ортиқ суд мажлислари видеоконференцалоқа режимида ўтказилиб, бу мажлисларда қатнашган 52 мингдан ортиқ шахсларнинг вақти ва маблағи тежалди.

Ишларни инсон омилисиз, яъни автоматик равишда тақсимлаш, суд мажлиси жадвалининг ягона электрон базасини жорий этиш, суд қарорларини расмий веб-сайтда эълон қилиш, судга электрон мурожаат ва суд ҳужжатларини тарафларга электрон шаклда юбориш, суд мажлисларини аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш каби замонавий ёндашувлар эвазига одил судлов самарадорлигига эришилмоқда.

Одил судлов сифати ва самарадорлигини оширишда соҳани рақамлаштиришни янада кенгайтириш мақсадида 2020 йил 3 сентябрда **"Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Президент қарори қабул қилинди. Унга кўра, Олий суд ахборот тизимини 28 та давлат органлари ахборот тизимларига интеграция қилиш орқали маълумотлар алмашинувини 100 фоиз рақамли шаклга ўтказишни назарда тутувчи "Йўл харитаси", шунингдек, 2020-2023 йилларда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш дастури тасдиқланди.

Барча суд мажлисларини аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш, биринчи инстанцияда тўлиқ жорий қилинган ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш тартибини апелляция ва кассация инстанцияси судларида ҳам йўлга қўйиш, тарафларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида "SMS" хабар орқали хабардор қилиш, суд мажлисларида видеоконференцалоқа режимида иштирок этиш имконини берувчи мобил дастури амалиётга жорий этилиши белгиланди.

***Одил судлов ва халқаро рейтинглар***

Суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузига, жумладан, суд мустақиллиги, қонун устуворлиги ва одил судлов самарадорлиги бўйича халқаро рейтингларда Ўзбекистоннинг нуфузи ошишига ҳам муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг март ойида "Heritage Foundation" тадқиқот маркази томонидан "Иқтисодий эркинлик индекси — 2021" ҳисоботи эълон қилинди. Унда Ўзбекистон 186 та мамлакат орасида 58,3 балл билан 108-ўринни эгаллаб, мамлакат рейтинги 6 поғонага кўтарилди. Шу билан бирга, охирги тўрт йилда 44 та ўрин (152-ўриндан 108-ўринга) юқорилади. Индексда мамлакатнинг ўрни асосан Суд фаолияти самарадорлигига эришганлиги натижасида яхшиланган, яъни ушбу кўрсаткич 34,2 баллдан 50,8 баллга (+16,6) кўтарилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 29 декабрда Олий Мажлисга тақдим этилган Мурожаатномасида **"Адолат бу — давлатчиликнинг мустаҳкам пойдеворидир. Адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда эса суд ҳокимияти ҳал қилувчи ўринни эгаллайди"**, деган фикрлари суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг самарали амалга оширилиши нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканини яққол тасдиқлайди.

Шу нуқтаи назардан, одил судлов соҳасидаги ислоҳотларни изчил давом эттириш, соҳани янада такомиллаштириш ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Бу борада суд-ҳуқуқ тизими олдида улкан вазифалар турибди. Жумладан, **"Бир суд — бир инстанция"** тамойилини амалда самарали жорий этиш ниҳоятда муҳим.

Шунингдек, "Хабеас корпус" институти қўлланишини янада кенгайтириш, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларини амалда тўлиқ таъминлаш, шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя этилишини кучайтириш, одил судлов сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган Жиноят ва Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрирлари, "Судьялар ҳамжамияти органлари тўғрисида"ги янги қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга.

**Шербек НАЗАРОВ,**
*Олий суд бўлим бошлиғи*

*Фаолият таҳлили*

# Панд берган қонунбузарлик

## *судларда меҳнат ҳуқуқи қандай таъминланмоқда?*

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, меҳнат шартномасида назарда тутилган шартларни қўллаш юзасидан келиб чиқадиган келишмовчилик меҳнат низолари ҳисобланади. Якка меҳнат низолари меҳнат жамоаларида ташкил этилган меҳнат низолари комиссияси ва суд томонидан кўриб чиқилади. Қонунда назарда тутилган истисноолар билан бирга ходим меҳнат низосини ҳал қилиш учун, ўз хоҳишига кўра, меҳнат низолари комиссияси ёки бевосита судга мурожаат қилиши мумкин. Бундан ташқари меҳнат низолари юзасидан меҳнатнинг ҳуқуқ бўйича инспекторлари ва прокурор ҳам судда даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда меҳнат муҳофазасига оид қонунчилик асослари изчилик билан такомиллаштирилмоқда. Жумладан, шу йил 23 декабрда кучга кирадиган янги таҳрирдаги **"Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"**ги қонунда давлат ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш, касаба уюшмалари ваколатини кенгайтириш, касаба уюшмаларининг ходимлар ва бошқа вакилик органларининг меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлаш борасидаги ҳуқуқларини кенгайтириш, шунингдек, аҳолига хавфсиз ва қулай меҳнат шароитлари яратиш, иш жараёнида бахтсиз ҳодисалар юз беришининг олдини олиш каби масалалар назарда тутилган.

Бинобарин, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини тўлиқ таъминлашда давлат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида йўлга қўйиладиган ижтимоий шериклик муҳим аҳамиятга эга.

Фикримизни ҳаётий мисол ёрдамида давом эттирадиган бўлсак, Саида Норқулова (исм-шарифлар ўзгартирилган) Мирзо Улуғбек туманидаги 64-умумий ўрта таълим мактабида 2018 йилдан буён етакчи вазифасида ишлаб келган. У шу йилнинг 6 мартидан 10 апрелга қадар навбатдаги меҳнат таътилида бўлган. Белгиланган кунда таътилдан қайтиб, иш фаолиятини давом эттирган.

Аммо мактаб директорининг 2021 йил 1 апрелдаги буйруғига асосан С.Норқулова билан муайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 3-бандига асосан бекор қилинган. Мазкур буйруқнинг чиқарилишига мактаб маъмуриятининг жорий йил 26 февралдаги С.Норқуловага навбатдаги меҳнат таътили бериш ҳақидаги буйруғи ва Меҳнат кодексининг 100-моддаси 3-банди асос қилиб олинган.

Шу ўринда амалдаги Меҳнат кодексиниг 100-моддасига эътибор қаратиш зарур. Чунки унда меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асослари белгилаб қўйилган.

Қолаверса, Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги "Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракт)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида"ги қарори 50-бандида судлар ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинишининг қонунийлигини буйруқда кўрсатилган асослар бўйича текшириши, меҳнат муносабатининг бекор қилинишини бошқа асосда кўришга ҳақли эмаслиги тушунтирилган.

Шу ўринда Меҳнат кодексининг 99-моддаси биринчи қисмига тўхталиш ўринли бўлади. Унга кўра, ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам, икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақли.

Биринчи босқич суди ушбу фуқаролик ишига қонун талабидан келиб чиқиб, ҳуқуқий баҳо берди. Яъни иш берувчи томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишда қонун талабларига риоя этилмагани, ходим меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида огоҳлантирилмаганини эътиборга олди. Бундан ташқари судда С.Норқулова номига 2021 йил 16 апрелда ёзилган чақирув хати, мактаб касаба уюшмаси раисининг розилик хати ҳамда директорнинг огоҳлантириш хати нусхалари амалдаги меҳнат қонунчилигига зид деб топилди. Чунки бу хатлар билан С. Норқулова ўз вақтида танишгани ёки уларни олгани ҳақида далиллар мавжуд эмас.

Шу боис суд даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантириб, уни ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақини ундириш ҳақида хулосага келди.

Ўз навбатида, биринчи босқич судининг ҳал қилув қарорига нисбатан мактаб директори Ш.Холмирзаевнинг апелляция шикояти апелляция инстанциясида ҳам кўриб чиқилди. Апелляция инстанцияси суди биринчи босқич судининг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида ажрим чиқарди. Шунингдек, апелляция инстанцияси суди ишни кўришда аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан хусусий ажрим чиқариб, тегишли таълим муассасасига юборди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, меҳнат ҳуқуқига оид қонунларга қатъий риоя қилиш турли низолар келиб чиқишининг олдини олиши баробарида ишчи-ходимларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан қийналмасликка сабаб бўлади. Бу эса, ютуқлар гаровидир.

**Шерзод РАЖАБОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро суди раиси*

*Хабар*

# ЕХҲТ делегациясининг учрашувлари

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

— Ташкилотимиз кўп йиллардан бери Ўзбекистон билан яқин ҳамкорлик қилиб келяпти. Биз ўтган йиллар мобайнида бир қатор вазирлик ва идоралар, Марказий сайлов комиссияси, қолаверса, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик ўрнатдик. Инсон ҳуқуқлари, демократик тамойилларни илгари суришда уларга ёрдам бериб, қўллаб-қувватлаб келаяпмиз. Шубҳасиз, келгусида ҳам ушбу йўналишдаги ишларни давом эттирамиз.

ЕХҲТ ДИИҲБ делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси К.Комилов билан ҳам учрашди.

Меҳмонларга мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, бу борадаги қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш, суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш, судлар фаолиятида шаффофлик ва очиқликни таъминлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар хусусида маълумот берилди.

Таъкидланганидек, бу борадаги ислоҳотларнинг асосий мақсади суд ҳокимиятининг мустақиллиги, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда одил судловга эришишдан иборат.

Мулоқот чоғида делегация аъзоларига давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш борасидаги конституциявий ҳуқуқни таъминлаш мақсадида Олий судда маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати, ҳудудларда маъмурий судлар ташкил этилгани ҳақида сўзлаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва ЕХҲТ ўртасида кенг кўламли ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилгани таъкидланди. Мазкур ҳамкорлик келгусида ҳам самарали натижаларни беришига ишонч билдирилди.

Шу куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидовнинг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори Маттео Мекаччи билан учрашуви бўлиб ўтди.

А.Саидов парламент, қўмиталар фаолияти ҳақида тўхталиб, қонунларни қабул қилиш ва назоратини олиб боришда инсон ҳуқуқ ва манфаатларига устувор аҳамият қаратилишини алоҳида таъкидлади. Айниқса, сайловлар, ноҳукумат ташкилотлар, гендер тенглик тўғрисидаги қонунларни қабул қилишда инсонпарварлик мезонларига таянилишига урғу берилди.

Учрашувда Қонунчилик палатасининг ЕХҲТ ДИИҲБ билан ҳамкорлиги доирасидаги ишларининг муҳим жиҳатлари хусусида фикр алмашилди.

**С. РАҲИМОВ,**
*ЎзА мухбири*

*Жиноятга жазо муқаррар*

# Марҳум руҳини безовта қилган фирибгар

**Одатда, фирибгарлар турли йўллар билан одамларни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш орқали ўзгаларнинг мулкини ёхуд мулкий ҳуқуқини қўлга киритади. Улар содир этган жиноятини хаспўшлаш учун ҳеч нарсадан тап тортмайди. Шундайлардан бири марҳум оғайнисининг руҳини безовта қилган Фарғона шаҳрида яшовчи Улуғбек Абдусаматов (исм-шарифлар ўзгартирилган)дир.**

**(Давоми 6-бетда)** ▶

## ФИТР САДАҚАСИ

*Рамазон ойида рўза тутган кишининг гоҳида оғзидан билиб-билмай турли гап-сўзлар чиқиб кетган бўлиши, шунингдек, баъзи ножоиз амалларни қилиб қўйиб, шу сабабдан кўнгли ғаш бўлиб юриши мумкин. Ана шундай ғашликларни ювиб юбориш учун фитр садақаси жорий қилинган. У ийд намозидан олдин берилиши шарт. Фитр садақасининг миқдори буғдой, майиз, хурмо ёки арпага нисбатан аниқланади.*

*Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво ҳайъатининг қарорига асосан 2021 (ҳижрий 1442) йилги фитр садақаси миқдори қуйидагича белгиланди:*

*буғдойдан 2 кг 10 000 (ўн минг) сўм;*

*арпадан 4 кг 14 000 (ўн тўрт минг) сўм;*

*майиздан 2 кг 80 000 (саксон минг) сўм;*

*хурмодан 4 кг 140 000 (бир юз қирқ минг) сўм.*

*Ҳар ким моддий имкониятидан келиб чиқиб маҳсулотларнинг хоҳлаган бир туридан фитр садақасини берса кифоя.*

*Қадрият*

# Рамазон фазилатлари



*Рамазон ойи гуноҳлар мағфират қилинадиган, раҳм-шафқат кўрсатиладиган ва дўзахдан озод қилинадиган ойдир.*

Рамазон ойи Аллоҳ ва Расулининг буйруқларини бажариш, қайтариқларига амал қилиш ва синов-имтиҳонга учраганда сабр-тоқатли ва чидамли бўлишни ўрганадиган ойдир.

Рамазон ойи улкан савоблар олиш, дўзахдан озод бўлиш учун жуда қулай фурсатдир. Бунинг учун киши муборак ойнинг рўзасини тутиб, ҳар бир дақиқасини ғанимат билиб, кўпроқ ибодат ва яхши ишлар қилиб қолиши керак. Бу ой инсонга нафсини тарбия қилишига ёрдам беради. Зеро, рўза нафс сабри, муҳтожларга меҳр-шафқат кўрсатиш, Аллоҳга итоат қилишга ўргатади. Барча пайғамбарлар (а.с.) нафс тарбиясида ана шу ибратдан фойдаланишган. Масалан, Юсуф (а.с.) бутун Миср мулкига эга бўлса-да, доимо оч юрар эди. У зотдан "Бутун ер хазиналари сизда бўлса-ю, нега оч юрасиз?" — деб сўрашганда, "Тўқ бўлсам, очларни эсимдан чиқариб қўйишдан қўрқаман", — деб жавоб берган экан.

Рамазон ойининг биринчи ўн кунлигини Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам раҳмат ўн кунлиги деб эълон қилганлар. Бу нафақат Аллоҳ таолонинг бандаларга раҳмати, балки бандаларнинг бир-бирларига раҳм-шафқатли бўлиши ҳамдир. Рўза тутган инсон ўзгалар билан урушмаслиги, ҳақоратли сўзлар айтмаслиги борасида қаттиқ тийилишдан кўзланган мақсад шундай. Ўз ихтиёри билан оч қолган, ташна бўлган одамда ўз-ўзидан раҳм-шафқат ҳислари уйғонади. Ўзгаларга яхшилик қилиш туйғулари кучаяди. Буни рўза тутган ҳар бир одам дарҳол мулоҳаза қилади. Айниқса, очлик ва ташналикни ўз танасида синаб кўрган киши турли сабабларга кўра, доимо оч қолганларга раҳм-шафқат қилиш лозимлигини тўлиқ тушуниб етади. Шунинг учун рўзадорлар оч-яланғоч, бева-бечора, камбағал мискинларга хайр-садақа қилишади.

Рамазон ойи ўзаро бирдамлик, меҳрибонлик кўрсатиладиган, инсонлар бир-бирлари ҳақида қайғуриб, хато-камчиликларини кечирадиган ойдир.

Рамазон ойи хайрли ишларда ҳамкорлик қилинадиган, мусулмонлар бир-бирини қўллайдиган ойдир.

Бу ойда қилинган яхшиликлар савоби ўн баравардан етти юз бараваргача кўпайтириб ёзилади.

Рамазон тенглик ойи бўлиб, бу ойда қариялар зиёрат қилинади, беморлар ҳолидан хабар олинади, муҳтожларга ёрдам берилади, мусибатзада инсонлардан кўнгил сўралади.

Рамазон ютуқлар ойи бўлиб, улкан савоблар олинади ҳамда нафс ва шайтон мағлуб этилади.

Рамазон ойида мусулмонларнинг Аллоҳ ҳузуридаги мартабалари юқори кўтарилади, хайрли ишларининг мукофотлари кўпайтирилади ва кичик гуноҳ ишлари кечирилади.

Аввалдан дўзахга тушишга лойиқ бўлиб қолган бандалардан баъзилари Рамазони шариф туфайли Аллоҳ томонидан кечирилиб, дўзахдан озод қилинур.

Бу ойда жаннатга кириш учун сабаб бўлган хайрли ишлар ва солиҳ амаллар кўпроқ бажарилади. Жаннат дарвозалари мусулмонларни хайрли ишларга шошилишга тарғиб қилиб очилади. Дўзах эшиклари эса, гуноҳлардан қайтган, истиғфор айтган, афсус-надомат чеккан, қайта такрорламасликни ният қилган ҳолда тавба қилишга тарғиб қилиб ёпилади. Бу ойда вафот этган ва руҳи дўзахга маҳкум қилинган кимсалар бу ойнинг шарофати ила шу ойнинг охиригача дўзахга киритилмай туради. Жаннатнинг барча дарвозалари очилиши Рамазон ойида ер юзига Аллоҳнинг раҳмати кўп нозил бўлишига ишорадир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилганлар: "Ким иймон ила, савоб умидида Рамазон рўзасини тутса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилади. Ким иймон ила, савоб умидида Рамазон кечаларининг маълум бир қисмини таровиҳ намозини ўқиш билан ўтказса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилади. Ким иймон ила, савоб умидида Қадр кечасини тоат-ибодатда ўтказса, унинг ўтган гуноҳлари кечирилади".

Рамазон шундай улуғ ойки, мусулмонлар ундан олдин олти ой давомида Аллоҳдан Рамазон ойига етказишини, ундан сўнг яна олти ой давомида тутган рўзаси, амаллари ва дуоларини қабул қилишини сўраб дуо қиладилар. Зеро, Рамазон ойидаги хайр-барака, улкан савоб, мўл-кўл ажр-мукофот, Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш каби имтиёзлар бошқа вақтда берилмайди.

**Интернет материаллари асосида Ҳумоюн МИРЗО тайёрлади.**

*Коррупция — хавфли иллат*



# Порага алданган нафс

*Пораҳўрлик — ўта ижтимоий хавфли жиноят бўлиб, давлат нуфузига салбий таъсир қилади. Шу боис бу жирканч иллатга қарши курашиш ҳар бир давлатнинг асосий вазифаси ҳисобланади.*

Мамлакатимизда ҳам жамият кушандаси бўлган коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун қабул қилингани, коррупцияга қарши курашиш Агентлиги ташкил этилгани бунинг яққол исботидир. Қонунчиликда шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиш, шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши коррупция сифатида таърифланган.

Шу ўринда суд амалиёти таҳлилига эътибор қаратадиган бўлсак, кейинги пайтларда мансабдор бўлмаган шахсларнинг пора берувчи манфаатини кўзлаб, уни пора беришга даллолат қилган ҳолда фирибгарлик жиноятини содир этиш ҳолатлари кўпайиб бораётгани маълум бўлади. Жумладан, жиноят ишлари бўйича Беруний тумани судида шу йилнинг 1-чорагида 5 нафар шахсга нисбатан шу тоифадаги жиноят иши кўриб чиқилди.

Масалан, Беруний тумани халқ таълими бўлимида бош ҳисобчи лавозимида ишлаган Ш.Г. хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан 42-сонли умумий ўрта таълим мактаби директоридан пора талаб қилган. У мактабда ўтказилган ички аудит текширувида аниқланган камчиликларни "босди-босди" қилишни ваъда бериб, бу ишни мансабдор шахсларга пора бериш орқали битиришини маълум қилган. Бироқ фирибгар ниятига етолмади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг сай-ҳаракати билан жиноятга чек қўйилди.

Урганч локомотив депосига қарашли "Мискин" айланма депоси устаси А.С. фуқаро Ж.Я.ни танишлари орқали 3500 АҚШ доллари эвазига "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг Қорақалпоғистон филиалига ишга жойлаштириб қўйишга ваъда берган ва 3500 АҚШ долларидан 3000 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритмоқчи бўлган. Аммо фирибгар муддаосига етолмади ва қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда коррупцияга қарши муросасиз кураш олиб борилмоқда. Бу борада турли тарғибот-ташвиқот ишлари ва сайёр қабуллар ўтказилаётгани, криминоген вазият чуқур таҳлил этилиб, қатъий чора-тадбирлар кўрилаётгани бунинг исботидир.

Зеро, қонун устуворлигини таъминлаш ҳар биримизнинг асосий вазифамиздир.

**Раъно КАМОЛОВА,**
*жиноят ишлари бўйича Беруний тумани суди раиси*

◀ **(Бошланиши 5-бетда)**

*Жиноятга жазо муқаррар*

# Марҳум руҳини безовта қилган фирибгар

Эндигина навқирон 30 ёшни қарши олган Улуғбек маҳалладоши Шамсиддин Мамарасуловни чув туширди.

Гап шундаки, Ш.Мамарасулов 2016 йилда "AKFAPLAST" русумли пластик эшик ва ромлар ишлаб чиқарувчи дастгоҳни 18 миллион сўмга сотиб олган эди. Бироқ орадан бир йил ўтиб, қизининг кўзини даволатиш учун пул зарур бўлиб қолади. Шамсиддиннинг дастгоҳни сотмоқчи бўлганидан хабар топган У.Абдусаматов 2017 йил 24 август куни пайвандлаш ишлари ва турли дастгоҳларни ясаш билан шуғулланувчи Пўлатжон Тешабоев (айни пайтда у марҳум. Шу боис ишнинг унга нисбатан қисми Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 2-қисмига асосан тугатилган)ни харидор сифатида таништиради.

— Хуш келибсизлар!, — дея уларни уйига таклиф қилади рўпарасида фирибгар турганини хаёлига ҳам келтирмаган мезбон.

Харидорлар ҳовлида турган дастгоҳни обдон кўздан кечиришгандан сўнг мезбон билан савдолашиб, унинг баҳосини 26 миллион сўмга келишишади.

— Пулини икки ой ичида оласиз, — дейди "харидор" савдодан кейин ўз шартини қўйиб.

Улуғбек Ш.Мамарасуловни ишонтириш мақсадида тилхат ёзиб беради. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, ҳақдор У.Абдусаматовга қўнғироқ қилиб, дастгоҳни сотган-сотмаганини сўрайди. Бунга жавобан Улуғбек дастгоҳнинг нархи қимматлиги учун харидор олмаётганини, бироз сабр қилиб турса, сотиб беришини айтади.

Бир ойдан кейин Шамсиддин яна унга қўнғироқ қилганда Улуғбек гапни бутунлай бошқа ёққа буради:

— Қувалик бир фермер билан танишиб қолдим. Йигирма бош қора моли бор экан, даромади ҳам дурустгина. Менга ҳам мол боқиш ва сотиш билан шуғилланишни маслаҳат берди. Шу ишни иккаламиз биргаликда бошласак-чи? Нима дейсиз?

— Яхши бўлар эди, — дейди ҳали унга нисбатан ишонч билан юрган Ш.Мамарасулов.

— Хўп десангиз, бунга ўғилларингиз Россиядан юбораётган пулларни тикинг. Сира ютқазмайсиз, — дея Шамсиддиннинг қизиқишини янада орттиришга уринади фирибгар.

Улуғбек Шамсиддинни шундай аврайдики, у қандай қилиб розилик берганини билмай қолади.

Шундан сўнг иккovлон Қува туманига бориб, фермернинг чорва молларини кўришади.



— Ўн бош қорамол сотиб оламиз, — дейди Улуғбек фермерга.

Қисқа савдолашишдан кейин Шамсиддин фермернинг қўлига 3000 АҚШ долларини тутқазади.

— Молларни кейинроқ олиб кетамиз, — дейди "уддабурон" қайтар чоғида.

Орадан кун, ҳафта, ой ўтса-да, қорамоллардан дарак бўлавермагани боис Шамсиддин Улуғбекка қўнғироқ қилиб, молларни олиб келган-келмаганини сўрайди.

— Молларни ҳали олиб келолмадим. Яна пул зарур. Фермер қолган молларини ҳам сотмоқчи. Биратўла ҳаммасини олиб келамиз...

Афсуски, Улуғбек шу тарзда Ш.Мамарасуловни лақиллатишда давом этади. 2018 йилнинг май ойига қадар яна 5500 АҚШ доллари ва олти ярим миллион сўмини қўлга киритади. Фирибгар Шамсиддинни юпатиш учун ҳар ҳафтада унинг уйига 2-3 килограмдан гўшт олиб келиб туради.

Хуллас, Улуғбек Шамсиддинни 120.182.770 сўмга чув тушириб, турли важ-карсонларни рўкач қилиб юбораверади. Охир-оқибат тоқати тоқ бўлган Шамсиддин Мамарасулов ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилиб, фирибгардан пулларини ундириб беришни сўрайди. Шундан сўнг Улуғбек Абдусаматовга нисбатан жиноят иши қўзғатилди ва у жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судида кўриб чиқилди.

Номардликни қарангки, суд мажлисида Улуғбек ўз қилмишини хаспўшлаш мақсадида 2018 йилда вафот этган Пўлатжон Тешабоевнинг руҳини безовта қилишдан ҳам қўрқмади. У 26 миллион сўмлик дастгоҳни П.Тешабоевнинг бошқа шахслардан бўлган қарзини тўлаш учун бериб юборганини маълум қилди. Бироқ Шамсиддин ва марҳумнинг онаси Норинисо Тешабоева буни тўлиқ инкор этишди.

Норинисо опанинг таъкилашича, ўғли Пўлатжон Тешабоев 2018 йилнинг 26 июнь куни юрак хасталиги туфайли вафот этган. Она ўғлининг қилаётган ишларидан доимо хабардор бўлган. Яъни марҳум ўз устахонасида пайвандлаш ишлари ва турли дастгоҳларни ясаш билан шуғулланган. Улуғбек 2019 йилда Пўлатжоннинг ўлим гувоҳномасини сўраб келганида бояқиш она унга ўғлини ўзининг қингир ишларига аралаштирмаслигини тайинлаган ва марҳумнинг ўлим гувоҳномасини фирибгарга бермаган. Чунки марҳум П.Тешабоев ўзига тўқ бўлиб, ҳеч кимдан қарздор бўлмаган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарори 37-бандида судлар нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилгандан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олиши лозимлиги белгиланган. Шу боис суд судланувчининг важларини жавобгарлик ва жазодан қутулиш, шунингдек, жабрланувчига етказилган моддий зарарни қоплашдан бўйин товлаш мақсадида келтирилган, деб ҳисоблади ва унга танқидий баҳо берди. Натижада Улуғбек Абдусаматов Жиноят кодексининг 168-моддаси 4-қисми "а" банди билан айбдор деб топилиб, 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Бундан ташқари суд ҳукмида судланувчидан жабрланувчига етказилган моддий зарарни ундириш ҳам белгиланди.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ишонч инсонларни бир-бири билан боғлаб турувчи илоҳий риштадир. Бинобарин, бу муқаддас туйғунинг қадрига етиш инсонийлик мезонларидан биридир.

**Маҳкамжон АБДУБАННОБОВ,**
*жиноят ишлар бўйича Фарғона шаҳар суди судьяси*

*Тижорат банклари юртдошларимиз ва хўжалик юритувчи субъектларга молиявий кўмак берувчи муассаса ҳисобланади. Фуқаролар банк кредитларидан фойдаланган ҳолда турмуш тарзини яхшилаб олса, юридик шахслар фаолиятини янада ривожлантириши мумкин. Бунда тарафлар ўртасида тузиладиган кредит шартномаси муҳим аҳамиятга эга.*

*Ҳуқуқий ҳимоя*

# Рад этилган даъво

## суд кредит шартномасини нега бекор қилмади?

2018 йил 12 март куни акциядорлик тижорат "Асака банк"нинг Фарғона филиали ҳамда "Афросиёб барака савдо" масъулияти чекланган жамияти ўртасида 11-сонли кредит шартномаси имзоланган. Шартномага мувофиқ банк корхонага "CAPTIVA" русумли автомашина сотиб олиш учун йиллик 20 фоиз устама билан 36 ой муддатга 129 миллион сўм миқдорида автокредит ажратган.

Табиийки, ҳар бир қарздор тўлов жадвалида белгиланган муддатда кредитни қайтариши ва устамаларини ўз вақтида тўлаши шарт. Бироқ мижоз зиммасидаги мажбуриятни тўлиқ бажармаган. Банк филиали 2020 йилнинг 4 февраль ҳолатига кўра, 5.609.718 сўм миқдорида муддати ўтган қарздорликка йўл қўйгани учун қарздорга огоҳлантириш хати юбориб, 3 банк иш куни мобайнида тўловни амалга оширишни талаб қилган. Акс ҳолда кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш, ундирувни кредит таъминоти сифатида гаровга олинган мол-мулкка қаратиш ва кредит тўловларини ундириш юзасидан иқтисодий судга мурожаат этишини маълум қилган.



Бироқ бу талаб ҳам бажарилмагач, иш суд мажлисида кўриб чиқилди. Унда корхона вакили даъвогарнинг талабига эътироз билдирмади. Аксинча, устама фоизлари тўлангани, агар муддат берилса, автомашинани банкка гаровга қўйишга ваъда берди. Шунда банк масъуллари гаров шартномаси лойиҳасини тасдиқлашни сўраб, қарздорга мурожаат этмагани аён бўлди. Аниқроғи, корхонага банк ходимлари жавобгар билан гаров шартномасини тузиш учун тегишли ҳаракатларни амалга оширмаган. Устига устак, банк филиали даъво талабида корхонага гаров шартномасини тузиш мажбуриятини юклашни сўрамаган. Банкнинг даъво талаби асоссиз бўлгани учун суд уни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Шу тарзда тадбиркорлик субъектининг манфаати ҳимоя қилинди. "CAPTIVA" ўз эгаси ихтиёрида қолди.

**Ҳусниддин ЖАМОЛИДДИНОВ,**
*Фарғона туманлараро иқтисодий суди судьяси*

**Куч — адолатда**

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Козимджан КАМИЛОВ
Робахон МАХМУДОВА
Халилилло ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Бахтиёр ИСАКОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 241-01-56, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-415 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 3 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6553
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22.00. Топширилди: 00.55.